Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 4 ноябрь, шанба • № 87 (10.763) • Эркин нархда сотилади

МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМКОРЛИК

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига жавоблари

МУХБИР: — Муҳтарам Президент! Сиз бошчилигингиздаги Ўзбекистон делегацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган сессияда иштирок этиб қайтди. Бу мўътабар халқаро ташкилот минбаридан туриб нутқ сўзладингиз. Илтимос, дастлабки таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

ПРЕЗИДЕНТ: — Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг катта тўйига — 50 йиллик юбилейига таклиф қилиниши давлатимиз жаҳондаги энг нуфузли ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида тан олинганини яна бир карра тасдиқлайди.

Ушбу анжуман кун тартибига асосан иккита масала қўйилган эди. **Биринчидан,** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 50 йил давомида амалга оширган ишларга баҳо бериш; **иккинчидан,** бу ташкилотнинг бугунги фаолиятига замон нуқтаи назаридан қараш, уни ҳозирги халқаро ҳаёт талабларига мувофиқлаштириш.

Маълумки, бугунги кун 50 йил олдинги ҳаётдан тубдан фарқ қилади. Башарият, халқлар тараққиёти, давлатлар ривожи, умуман бугунги вазият бундан ярим аср аввалги — Иккинчи жаҳон уруши тугаган даврдагидан жуда ўзгариб кетди. Ҳозирги замон талаби ҳам бошқача. Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳуқуқларини кенгайтириш, бугунги ҳаётга, халқлар ривожига ҳар томонлама кўмаклашиш, урушга қарши курашни кучайтириш, умуман барқарорликни сақлаш, умумбашарий масалаларни ҳал этишдаги имкониятларини кенгайтириш асосида унинг таркибини ўзгартириш керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бошқача кўз билан қараш, уни бугунги замонга, шароит ва тизимга мувофиқлаштириш вақти етди.

Шунинг учун анжуманда сўзга чиққан ҳар бир давлат раҳбари авваламбор шу икки масалага алоҳида эътибор берди. Ўтган эллик йил давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти учинчи жаҳон урушининг олдини олиш, айрим минтақаларда пайдо бўлаётган ўзаро низоларни бартараф этиш, очарчиликка қарши кураш, ривожланаётган давлатларга ёрдам уюштириш каби салмоқли ишларни амалга оширди.

Бу ўринда касалликларга қарши кураш ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Мисол учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини олайлик. Бу ташкилот ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир бўлагидир. Кўпчилик эса «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти» деганда қандайдир мустақил халқаро тузилмани тушунади. Аслида эса, бундай эмас, бу ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимига киради. Шунинг учун ҳам касалликларга, хусусан сурункали ва юқумли касалликларга қарши кураш бугунги кунда БМТ фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Мен ҳали маданиятни ошириш, саводсизларни саводхон қилиш, кишиларнинг жаҳон цивилизацияси қадриятларидан баҳраманд бўлишини таъминлаш тўғрисида гапираётганим йўқ.

БМТнинг асосий вазифасига қисқача тавсиф берилса, мен уни халқлар ўртасидаги аҳилликни таъминлаш, турли қарама-қаршиликлар, тўқнашувларга олиб келадиган низоларга йўл қўймасликдан иборат, деган бўлур эдим. Шунинг учун ҳам бизнинг Нью-Йоркда айтадиган гапларимиз етарли эди. Бу нуфузли халқаро ташкилот фаолиятига танқидий қараш ҳам ўзини тўла оқлади.

Жуда кўп давлатлар раҳбарларининг нутқида масалага фалсафий ёндашув бор эди. Ҳар бир нотиқ учун ажратилган беш дақиқа ичида кўп гапни айтиб бўлмайди. Бироқ, менимча, айрим нотиқлар нутқида, БМТ тизими ва фаолияти йўналишида нималарни ва қандай қилиб ўзгартириш лозимлиги ҳақидаги ўта мавҳум фалсафабозлик устун эди.

Шунинг учун ҳам, бу йиғин байрам сифатида қандай ўтгани тўғрисида гапириш қанчалик тўғри бўлади, айтишим қийин. Мен у ерда байрамга оид бирон нарса кўрганим йўқ. Учрашувга асосан битта мақсад — ўтган даврга якун ясаш ва БМТ фаолиятини танқидий назар билан таҳлил этиш, бу ташкилотнинг келажагига боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш билан банд бўлган раҳбарлар йиғилишди. Дарвоқе, бу масала бўйича нуқтаи назар ва ёндашувлар шу қадар кўп эдики, уларни маълум бир доираларга жойлаштириш қийин. Бу ўта масъулият билан қараш лозим бўлган жиддий муаммодир.

Шу нарса кўзга яққол ташландики, анжуман минбаридан туриб сўзлаган ҳар бир нотиқ бу муаммолар хусусида ўз мамлакатининг келажакдаги манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб сўз юритди. Дунё эса, гарчи у яхлит бўлса-да, ўзининг объектив қонунлари бўйича яшайди. Сайёрамизнинг бир нуқтасида пайдо бўлган уруш эртага унинг нариги томонида алангаланиши мумкин, вабо офати эса жуда қисқа муддат ичида ўз манбаидан юзлаб, минглаб километрларга тарқалишга қодир. Очлик тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин... Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ана шундай фалокат ва ҳалокатларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган эди.

Бироқ қанча давлат бўлса, шунча фикр-мулоҳаза ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам, Африка қитъаси вакиллари ўзларига хос, осиёликлар — бошқачароқ фикр қилади. Америкаликларнинг ўз ёндашувлари, европаликларнинг ўз ёндашувлари бор, шимол мамлакатлари ўзларининг бошқача фикрига эга. Хуллас, бу ерда қанча давлат бўлса, шунча нуқтаи назар мавжудлиги ойнадагидай акс этиб турибди.

Олам бугунги кунда қитъа манфаатлари бўйича эмас, қайси мамлакат кимнинг таъсири остида экани бўйича бўлинган. Биз илгари икки қутблик дунё ҳақида гапирар эдик, бугунги кунда эса кўп қутблик дунё тўғрисида фикр юритиш лозим бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, айримлар тўртта қутб, бошқалар бешта қутб ҳақида гапиради... Бироқ, ўзидан йирикроқ ва кучлироқ давлатдан ёрдам олаётган ва уларнинг қўллаб-қувватлашидан баҳраманд бўлаётган мамлакатлар ўз истиқболини ҳам шу давлатларда кўриши (гарчи ҳеч ким бу тўғрида ошкора гапирмаса-да) сир эмас-ку. Бу давлатлар маълум гуруҳларга бўлинади. Уларнинг ҳар бири қитъа фикрини эмас, афсуски, маълум қутб таъсири остидаги муайян гуруҳ фикрини ифода қилади. Содда қилиб айтадиган бўлсак, бу — металл буюмларни ўзига чиппа тортиб оладиган магнит ҳаракатига ўхшайди.

Нотиқлар БМТ олдида турган вазифаларга ҳам ўз муносабатларини билдирдилар.

Ушбу нуфузли мажлисда қатнашган Ўзбекистон делегациясининг асосий фикри шундай эди: БМТнинг 50 йил мобайнидаги ишларини ҳар томонлама баҳолаш учун мазкур анжуманнинг имкониятлари катта. Иккинчидан, БМТ фаолиятининг ҳозирги даврга мутаносиблиги тўғрисида матбуотда кўп ва хилма-хил фикрлар билдириляпти. Шунинг учун бизга ажратилган беш минутлик вақт мобайнида мен Ўзбекистоннинг бугунги асосий муаммолари — нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда, Туркистон заминида яшаётган халқларнинг ҳаёти, тақдири, келажаги ҳар томонлама чамбарчас боғланганини инобатга олиб — шу минтақанинг дардлари тўғрисида, муаммолари тўғрисида гапиришни мақсад қилиб қўйган эдим. Ўйлайманки, шу ниятимга эришдим.

МУХБИР: — Ҳозирги пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятига ҳар хил қарашлар, ёндашувлар мавжуд. Сиз бу халқаро ташкилотнинг келажагини қандай тасаввур этасиз.

ПРЕЗИДЕНТ: — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятини қандай қилиб ривожлантириш, бу борадаги муаммоларни қандай ечиш керак деган масала юзасидан мен уч нуқтага анжуман иштирокчиларининг эътиборини қаратдим.

Биринчи масала: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятининг асосини Хавфсизлик Кенгаши белгилайди. Хавфсизлик Кенгашига 5 та давлат доимий аъзо ҳисобланади. Ҳозирги пайтда 187 та давлат БМТга аъзо бўлса-ю, уларнинг ҳаёт-мамотини 5 та давлат ҳал қилиши, албатта, адолатдан эмас. Шунинг учун Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафини кенгайтириш масаласини қўйдик.

Яна бир масалага эътибор бериш керак: Япония ва Германия ўз салоҳияти билан бизга катта ёрдам бераётган, тараққиёт даражасига кўра дунё ҳаётига кучли таъсир кўрсата оладиган давлатлар сирасига киради. Улар жуда катта имкониятларга эга. Япониянинг охирги икки-уч йилда Ўзбекистонга берган беғараз, такрор айтаман, беғараз ёрдамини, Ўзбекистонга катта-катта сармоялар олиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Япония мамлакатимизга сармоя олиб келиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Мана, Оролбўйи муаммоларини ҳал қилиш учун ҳам сидқидилдан ёрдам кўрсатмоқда. Маданиятимизни ҳар томонлама юксалтиришга кўмаклашмоқда. Масалан, япониялик дўстларимиз Алишер Навоий номидаги опера ва балет театримизга тегишли ёрдам кўрсатдилар. Бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Дунё тарихида ва бугунги мавжуд бўлган вазиятда қанча-дан-қанча давлатлардан олдин кетаётган ва менинг фикримча, XXI асрга ҳозирданоқ қадам қўйган Япониянинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлмаслиги адолатдан эмас.

Шу нуқтаи назардан Германияга — бирлашган Германияга қарасак, унинг қудрати, имкониятлари қандайлигини ва XXI асрга — истиқболга қандай тараққиёт билан қадам қўяётганини аниқ тасаввур этиш мумкин. Германия ҳам Ўзбекистонга катта ёрдам беряпти. Бу алоқалар келажакда яна ҳам ривожланади. Бу масалада менинг фикрим аниқ: Германия Ўзбекистон билан ҳамкорликдан жуда манфаатдор, ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Германия билан ҳамкорлик қилишдан фақат фойда кўради. Манфаатларимизнинг ўзаро мос келиши, бир-бирига уйғунлиги шуни кўрсатяптики, Германия ва Японияга ўхшаган давлатларнинг БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлиши бизларга ҳар томонлама наф келтиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жуда катта ташкилот. Жаҳонда юз бераётган воқеаларнинг ҳаммасини назорат қилиш қийин кечмоқда. Кўп жанжаллар — Босния-Герцоговина, Қорабоғ, Тожикистон, Афғонистон, шунингдек, Африка ва Осиёнинг бошқа мамлакатларида бўлаётган можароларни тинчитиш, уларнинг туб сабабларини аниқлаш, уларга таъсир кўрсатиш ғоят мушкул иш. Қарор қабул қилаётганда ўз манфаати йўлида оёғини тираб туриб олган давлатларнинг бошини қовуштириш ҳам ғоят оғир вазифа. Фараз қилинглар, можаро қилаётган иккита давлатни муросаи мадорага келтириш нақадар қийин. Бу ерда эса 187 та давлат бор ва энг ривожланган, кучли-қудратли давлатлар — Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Япония... Ҳар бирининг ўз манфаати бор. Ҳар қайсиси бугунги бўлаётган можароларга ўз кўзи билан қарайди ва авваламбор ўз манфаатини кўзлаб муносабат билдиради. Шуни ҳисобга олсак, бир қарорга келиш, яъни муаммоларни бир ёқадан бош чиқариб ҳал этиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида, бугунги халқаро ҳаётда энг муҳим воқеа ҳисобланади.

Шунинг учун менинг **иккинчи фикрим** шундан иборат бўлдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий жанобларининг ваколатларини кенгайтириш керак.

Мисол учун оддий бир оилани олиб кўрайлик. Ҳар қайси оилада битта бош бўлиши керак. Битта одам бош бўлмаса, бу оила отбозор бўлади. Агарки, кенгроқ миқёсда жамоани, қишлоқ ёки туманни, вилоят, минтақа, республикани олсангиз, ягона раҳбар бўлмаса, халқ демократик асосда ваколатини ишониб топширган шу одамга имконият берилмаса, унинг ҳуқуқлари ҳар томонлама жиловлаб ташланса, олижаноб фикрлари, мақсадлари, ҳаракатлари кесиб турилса, бу жамоа, бу кенгаш, бу ташкилот жойида қотиб қолади, унинг ривожини таъминлаш, истиқболга эришиш қийин бўлади.

Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг раҳбари бўлмиш Бош котибнинг ҳуқуқи кенгроқ бўлиши керак. Албатта, Хавфсизлик Кенгаши, яъни кенгайтирилган таркибдаги Хавфсизлик Кенгаши қарор қабул қилиши лозим. Аммо бу қарорни амалга оширишда, албатта, Бош котибнинг ҳуқуқи анча кенг бўлиши керак.

Учинчи масала. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун дунёда рўй бераётган воқеаларни, бутун жаҳондаги мавжуд вазиятни ўз назоратида ушлаб туриши керак. Лекин ер юзида тахминан 5 миллиард аҳоли яшаётган бўлса, бу вазифани эплаш осон иш эмас. Шунинг учун жойлардаги, минтақалардаги халқаро ташкилотлар, ўзига беш-ўнта давлатларни жамлаган ташкилотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бевосита раҳбарлигида ва кўмагида иш олиб борсагина уларнинг фаолиятида изчиллик ва тартиб бўлади. Акс ҳолда бир минтақада ўзини халқаро ташкилот фараз қилган ҳар бир уюшма ўзича ишлайверса, бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятига, асосий сиёсатига мос келмаса, бундай ҳолат истиқболга, умумий тараққиётга катта салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бундай ташкилотларнинг фаолиятини бир-бири билан уйғунлаштириш керак.

Масалан, Африкада, Осиёда шундай ташкилотлар мавжуд. Европада — Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, араб давлатларида ислом ташкилотлари, Жанубий-Шарқий Осиёда — Тинч океан минтақаси давлатларининг Кенгаши бор. Мазкур ташкилотларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан уйғун равишда сиёсат олиб бориши керак.

Биз яна бир масалани кўтардик: жойларда БМТнинг ваколатхоналари ишламоқда. Мана, бизда жаноб Холид Малик бошчилигида ваколатхона бор. Ўрни келиб қолгани учун мен мамнуният билан, таъкидламоқчиманки, Холид Малик жаноблари Ўзбекистонга келиб уч йил ичида бизнинг обрўйимизга обрў қўшишда, бизни дунёга таништиришда ва бизга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўмагини олиб келишда жуда катта иш қилди. Уни нафақат Тошкентда, балки Ўзбекистоннинг олис-олис жойларида ҳам яхши танийдиган бўлиб қолишди. Демоқчиманки, шундай ваколатхоналарнинг имкониятини кенгайтириш, уларни кучайтириш керак.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қаерда? Америкада, Нью-Йоркда жойлашган. Ўзбекистон қаёқда, Марказий Осиё қаёқда?! Шунинг учун бу ердаги ташкилотнинг таркиби, албатта, кенгроқ бўлиши керак. Унга ҳам кўпроқ ҳуқуқ бериш ва иқтисодий нуқтаи назардан имкониятларини кенгайтириш керак.

Мен бу учрашувдан олган энг муҳим таассурот — ҳамманинг БМТни ислоҳ қилиш зарурлигини англаб етгани бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бўлмаса, беқарорлик юзага келади, дунё умумий фикрни ишлаб чиқиш имконидан маҳрум бўлади. БМТ барқарорликни таъминлаш, айрим давлатларнинг умумий меъёрлари доирасини писанд қилмай, ўзидан кетган раҳбарларининг танобини тортиб қўйиш учун маълум воситаларга, керак бўлган тақдирда эса ҳарбий куч ишлатиш имкониятига эга. Қолаверса, БМТнинг Низоми мавжуд ва бу ҳужжатга имзо чекканлар уни бажаришга мажбур. Шунинг учун ҳам БМТ Низоми унинг аъзолари зиммасига мажбурият юклайди, БМТ Низоми айрим нарсаларни чеклайди, БМТ Низоми зиддиятли вазиятларни бартараф этиш йўлларини таклиф қилади.

МУХБИР: — БМТни ислоҳ қилиш йўлидаги асосий муаммолар, Сизнинг назарингизда, нималардан иборат?

ПРЕЗИДЕНТ: — Катта ташвиш туғдирадиган асосий муаммо — бир-бирига мос келмайдиган фикрлар хилма-хиллиги ва уларнинг кўплигидир. Табиийки, бу нарса қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам, назаримда, БМТни ислоҳ қилиш — узоқ давом этадиган жараён бўлади. Бу ўринда ҳаммага маъқул тушадиган фармон ёки қарор чиқариб бўлмайди. Бу ислоҳ босқичма-босқич, тадрижий равишда амалга оширилиши керак. Мен бунга қатъий аминман. Инқилоб йўли эса — мулкка ҳам, маънавий дунёга ҳам эга бўлмаган ялангоёқлар йўлидир. Ахир мулк дегани — олтин, пул, уй-жой ва унинг ичидаги бойликкина эмас. Мен бу тушунчага маънавий мулкни ҳам киритаман. Бу мулк моддий мулкка қараганда қимматроқ туради. Шунинг учун ҳам маънавий мулкнинг сифат даражасини кўтариш кўпинча иқтисодий даражани кўтаришдан мураккабдир.

Бироқ, бу тушунчалар бир-бири билан ўзаро мустаҳкам боғлиқ. Пировардида одамлар яхши яшай бошлайдиган давр — иқтисодий салоҳиятнинг ўсиши уларнинг маънавий савиясини ҳам кўтаради.

Бу мулоҳазалар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида турган вазифалар ва муаммоларга дахлдор. Бу масалалар бўйича кўп давлатларнинг раҳбарлари ҳам ўз фикрларини билдирди.

МУХБИР: — Муҳтарам Президент! БМТ минбаридан сўзлаган нутқингизда, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири минтақавий барқарорликка эришишдир, деган ғояни илгари сурдингиз. Илтимос, шу фикрни кенгроқ шарҳлаб берсангиз...

ПРЕЗИДЕНТ: — Мен ўзимнинг беш минутлик нутқимда Ўзбекистоннинг муаммоларини кенгроқ ифода этишга ҳаракат қилдим. Мен қўйган биринчи масала бу-Ўзбекистон жойлашган минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш. Ўзбекистонда ва шу минтақада яшаётган ҳар қайси оила, ҳар бир инсон шу заминда тинчлик бўлишини хоҳлайди. Кимки юзига фотиҳа тортмасин, тинчлик, омонлик бўлсин, деб тилак тилайди.

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Меҳмондўстлигингиз ва яқинда Ўзбекистонга ташрифим чоғида гўзал мамлакатингизни менга кўрсатган халқингиз вакиллари учун Сизга самимий миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Ташрифим қисқа муддатли бўлса-да, Ўзбекистоннинг бутун жаҳонга машҳур бўлган айрим тарихий маданий шаҳарларини кўздан кечиришим ва сизларнинг меросингиз бойликлари билан танишишим учун ажойиб имкониятга эга бўлдим.

Самарқанд, Бухоро ва Хивага қилган сафарим ҳаётимдаги ҳаяжонли дамларим бўлди. У ерлар эртаклардаги каби афсонавий ва тарихий жойлардир.

Мен ипак йўли шу жойлардан ўтиб, маданиятлар ва динларнинг бир-бирига кириб келишига ва Шарқ билан Ғарбнинг мулоқотига кўмаклашганини тасаввур этишга ҳаракат қилдим. Мен борган жойлар инсоният тақдирлари чорраҳалари ўтган буюк шаҳарлар эди.

Ҳозир биз, тарих билан ҳисоблашган ҳолда, ипак йўли тинчлик ва мулоқот йўли сифатида хизмат қилишни давом эттиришига кўмаклашмоғимиз лозим.

Мен халқаро Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро институтини очиш шарафига муяссар бўлдим. Бу институт ушбу орзу-умидларни амалга оширишда ЮНЕСКО томонидан берилган ёрдамнинг чинакам намунасидир.

Сизнинг ЮНЕСКОнинг барча ваколатлари доирасидаги фаолияти билан чуқур қизиқишингиздан мамнун бўлганимни айтишимга ҳам ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида баҳамжиҳат ҳаракатлар тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши ютуқларимизни мустаҳкамлади ва ҳамкорлигимиз соҳаларини кенгайтирди.

Сиз билан биз ҳар томонлама муҳокама қилган кўпгина масалалар юзасидан ҳозирнинг ўзидаёқ тегишли қарорлар қабул қилинди ва котибият бундан буёнги ҳамкорлигимиз масалалари юзасидан Сизнинг доимий ваколатхонангиз билан мустаҳкам алоқа қилиб туради.

Таклифингиз ва мамлакатингизга ташрифим давомида менга кўрсатган олижаноб меҳмондўстлигингиз учун Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикаси халқига яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Пировардида, ЮНЕСКОнинг қароргоҳига ташриф буюриш ҳақидаги таклифимни яна бир бор такрорламоқчиман. ЮНЕСКОнинг 50 йиллигини байрам қилиш даврида Сизни таклиф этиш бизга алоҳида шараф ва мамнуният бахш этади.

Мен Сизга ташрифни 1996 йил апрель ойининг охирларида ёки май ойининг бошларида, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг баҳорги сессияси ишлаб турган пайтда амалга оширишни таклиф қилган бўлардим. Шу муносабат билан Сизнинг, эҳтимолки, Ижроия Кенгаш ҳузурида сўзга чиқишингиз ҳамда шу даврда ўтказиш режалаштирилаётган темурийлар даври ҳақидаги Ўзбекистон кўргазмасини очишингиз биз учун шарафли иш бўлур эди.

Ижроия Кенгашининг баҳорги сессиясини ўтказишнинг тасдиқланган муддатларини менинг котибиятим ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиянгизга қўшимча равишда маълум қилади.

Жаноби олийлари, Сизга зўр эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Сизни тезроқ кўриш умиди билан,

Федерико МАЙОР,
ЮНЕСКО Бош
директори.

Маррага етганлар:

БЕКОБОД

БЕКОБОД пахтакорлари ҳам зафар қучдилар. Она-Ватан хирмонига 42 минг 500 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди, йиллик режа ошириб бажарилди.

16 минг 834 гектар майдонда пахтадан мўл ва эртаги ҳосил етиштирилди. Йиғим-теримга ҳар қачонгидан кўра уюшқоқлик билан киришилди. Қўл теримига, айниқса, катта эътибор берилди ва у ўзини тўла оқлади. Жами пахта ҳосилининг 85 фоизи юқори навларга топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 26 центнердан ошди.

Бекободликларнинг улкан пахта хирмонига йиллик режасини туманда биринчилардан бўлиб бажарган Навоий номли, «Хос», «Навбаҳор», «Бекобод», «Деҳқонобод», «Ғалаба», «Ўзбекистон» ва Улуғбек номли ҳамда «Далварзин» жамоа хўжаликларининг миришкор деҳқонлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Туман хўжаликларида йиғим-терим ишлари давом этмоқда. Далада ҳали яна ҳосил бор. Бекободлик пахтакорлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, режага қўшимча яна 1000 тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

(Туман деҳқонларининг меҳнат ғалабасига бағишланган материални газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1995 йил 3 ноябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(фоиз ҳисобида)

биринчи устун - туманлар, иккинчи устун - бир кунда, учинчи устун - мавсум бошидан буён

Ўртачирчиқ	**0,25**	**117,68**
Оққўрғон	**0,52**	**104,90**
Юқоричирчиқ	**0,37**	**102,66**
Бўка	**0,52**	**101,14**
Бекобод	**0,55**	**100,68**
Чиноз	0,78	94,85
Янгийўл	0,80	93,29
Қуйичирчиқ	0,81	93,24
Пискент	0,73	70,30
Вилоят бўйича	0,57	99,19

* * *

1994 йилда бўлган эди	0,38	90,56

Ғалла

КУЗГИ ДОН ЭКИЛМОҚДА

«ДЎСТЛИК» ширкатлар жамоа хўжалиги аъзолари Оҳангарон туманида биринчи бўлиб дон экиш режасини бажардилар. Шу муносабат билан уларга туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг махсус мукофоти топширилди.

Хўжаликда жами 751 гектар ғалла майдонининг 151 гектари суғориладиган, қолгани лалми ерлар бўлиб, экиш ишлари 22 иш кунида поёнига етказилди. Экишда механизаторлардан А. Отахонов, С. Рустамов, А. Отабоев, Б. Мирзақуловлар шижоат кўрсатдилар.

Айни кунларда дон экилган майдонларга сув таралмоқда. Бу тадбирда миришкор сувчилардан А. Норқулов, Б. Ли ва бошқалар астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Хўжалик аъзолари келаси йили суғориладиган ерлардан 35 центнердан хирмон кўтариш ниятидалар. Хўжаликда 350 гектар янги ер ўзлаштирилмоқда. 130 гектар лалми ва 20 гектар суғориладиган ерлардан иборат бу майдонларга ҳам буғдой экилади.

У. ҲАМИДОВ.

ХОРИЖЛИКЛАР БУЮРТМАСИ БИЛАН

ОЛМАЛИҚДАГИ «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига яқин ва узоқдаги хорижий мамлакатлар ҳам харидор бўлмоқдалар. Бирон ой йўқки, бу ерда чет эл мамлакатларидан бирининг буюртмаси бажарилмаган бўлсин. Кимёгарлар ишлаб чиқараётган маъданли ўғитларнинг сифати дуруст бўлаётганлиги учун ҳам ташқи бозорда унга талаб ортиб бормоқда.

Шу йилнинг ўтган ойларида қатор хорижий мамлакатларга минглаб тонна мўл ҳосил гарови бўлган ўғит жўнатилди. Улар орасида энг яқин қўшнимиз — Қозоғистон ҳам бор. Бир ойда бу мамлакатга жами деярли саксон минг долларлик маъданли ўғитлар юборилди. Унинг навбатдаги буюртмаси ҳам ўз муддатида бажарилди.

М. ҲАМИДОВ.

«МЕҲР-ШАФҚАТ КАРВОНИ»

ЎЗБЕКИСТОН Қизил Ярим ой жамияти ташкил этилганлигининг 70 йиллиги муносабати билан вилоят Қизил Ярим ой жамияти бир қатор тадбирларни ўтказмоқда.

Ана шундай хайрли ишлардан бири ноябрь ойида «Меҳр-шафқат карвони»ни ташкил қилишдир.

Ушбу режага кўра бу карвон вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида навбатма-навбат бўлиб, бу ердаги ночор, кам даромадли оилалар учун зарур жиҳозлар топширади, кексалар, ёлғиз қариялар, беморларга дори-дармонлар тарқатади.

— Бунинг учун ҳозир етарли миқдорда болалар учун қишки кийим-бошлар, пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари, кўп миқдорда қуруқ сут, ногиронлар аравачалари тайёрлаб қўйганмиз, — дейди вилоят Қизил Ярим ой жамияти раиси Флюра Латипова. — Шунингдек, бир қатор муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун махсус ҳисоб рақами очилган дафтарчалар топширишни ҳам мўлжалламоқдамиз.

З. ЖЎРАЕВА.

МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК, ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лекин барқарорлик фақат Ўзбекистоннинг ўзига боғлиқ эмас. Атрофимизда қанча давлат бор, қанча турли феъллик, турли мақсадлик одам яшаяпти. Афғонистон можароси, Тожикистондаги жанжаллар, ўзаро тушунмовчиликлар — буларнинг барчаси қанчадан-қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳозир авжи куз, бу ерда пахта териляпти, бу ёқда ғалла экилмоқда, мана шу далаларда тақдиримиз ҳал бўляпти. Шундай кунларда эрталаб туриб бугун бир Фарғона ёки Хоразмга бориб келсам, эртага Сурхондарё, Қашқадарёга ё ўзимнинг юртимга ўтсам, деҳқонлар билан, ҳамюртлар билан «ҳормабор бўл» қилсам деб орзу қиламан-у, афсуски, мана шу ташвишли муаммолардан ортиб бўлмайди.

Олдимизда улкан ва масъулиятли вазифалар турибди.

Ҳарбий соҳа бўйича ғоят мураккаб масалаларни оширич равишда ҳал этиш лозим.

Бу ёқда пул масаласи ҳам бор. Миллий пулимизнинг қадрини кўтариш, унинг ҳар томонлама харид имкониятларини кучайтириш ва шу орқали одамларнинг истиқболини ойдинлаштириш асосий вазифамиздир. Халқаро валюта фонди билан, умуман, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни янада кенгайтириш ҳам долзарб ишлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонга кимки келмасин, албатта Президентни кўришни хоҳлайди. Нимага деганда, узоқдан келган одам, албатта, аниқ тасаввурга эга бўлиб, муайян бир кафолат олиб иш кўришга интилади. Бу табиий ҳол. Лекин ҳозир Ўзбекистонга қанчадан-қанча одам келяпти. Уларнинг ҳар қайсиси билан учрашиш, бунга тайёргарлик кўриш, муҳокама қилинадиган масалаларга эътибор бериш ҳам жуда кўп вақт талаб қилади.

Бошқа ишларни, масалан, қўшниларимиз билан ҳамкорлик қилишни олсак. Илгарилари қўшни республикаларнинг ўзаро муносабатлари Москва орқали ҳал этилар эди.

Агар бирон бир иттифоқдош республикада ёнидаги қўшнисига нисбатан муаммо пайдо бўлса, раҳбарлари югуриб Москвага борарди. Кремль юлдузи остида ўтирган катта раҳбарлар эса бундан фойдаланиб, балки шунга шароит туғдириб, муаммони ҳал қилган бўларди-ю, аслида икки республика етакчилари ўртасига зимдан адоват уруғини сепиб қўярди. Токи, булар бир-бири билан андармон бўлиб ётсину ягона халоскор ва нажоткори деб Москвани билсин, итоатдан бўйин товламасин!

Бугун энди замон бошқача. Ҳозир арзу дод қилиб ҳеч кимга бормайсан. Агар иккита давлат орасида тушунмовчилик вужудга келган бўлса, бугунги вазиятда албатта ўзаро тил топишиш керак. Дипломатия деган нарса осон иш эмас экан. Буни уюштириш учун, ташкил қилиш учун жуда кўп ўйлаш керак. Ўзаро тил топишиш, одамларни янги замонга чорлаш, даъват этиш, ҳар томонлама кўндириш, ишонтириш... Одамни мажбуран тазйиқ остида ишлатиш мумкин, бунақаси тарихимизда кўп бўлган. Лекин дўстингни, ҳамкорингни, қўшнингни улуғ мақсадлар йўлида йўлдошлик қилишга кўндириш жаҳонда энг масъулиятли ва олижаноб юмушдир. Белни маҳкам бойлаб, халқимга бир хизмат қилай, мардлигимни кўрсатай, деган одамларни қўллаб-қувватлашимиз, руҳини кўтаришимиз керак.

Мен нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, тинчлик, осойишталик тўғрисида гапирганда, муаммолар олдин бошқачароқ эди. Чегарани қўриқлаш, ҳарбий кучларни таъминлаш, тарбиялаш бизнинг ихтиёримизда эмасди. Энди вазият ўзгарди. Бизни қайси томондан хавф кутаётганини олдиндан билмасак, такрор айтаман, олдиндан билмасак, эртага Ўзбекистон остонасида тўсатдан хатар пайдо бўлса, аввало, мен жавобгарман. Албатта, бундай кундан Худо асрасин. Асраяпти ҳам! Атрофимизда табиий офатлар, сиёсий можаролар, қонли тўқнашувлардан озмунча одам озор чекяпти, дейсизми. Ахир улар ҳам инсон-ку. Мен халқим номидан, ўз номимдан минг-минг шукроналар айтаманки, Худо бизни ўзи асраяпти. Аввало, Оллоҳ таолонинг ўзи бизни паноҳига олган. Ношукрлик қилмасак, шу тинчликнинг қадрига етсак, марра бизники. Хуллас, БМТ минбаридан айтган яна бир гапим шу бўлдики, бугун дунё миқёсида барқарорликка эришиш учун дастлаб минтақаларда барқарорликни таъминлаш керак. Умумбашарий барқарорлик кичкина минтақада тинчликни сақлашдан бошланади.

Яқинда Ўзбекистонда бўлиб ўтган Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳамкорликка бағишланган семинар-кенгашда 31 давлат, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларидан 4 таси қатнашди. Кенгашдан чиқарилган асосий хулоса шу бўлдики, авваламбор минтақаларда тинчликни сақлайлик, шу минтақалардаги давлатларнинг бошини қовуштирайлик. Ана шундагина жаҳонда барқарорликни сақлаш мумкин. Босниядаги аҳволдан ҳамманинг хабари бор. Сиёсий барқарорликка эришилмаса, бу ердаги можаро учинчи жаҳон урушига айланиб кетиши ҳеч гап эмас. **Бу — биринчидан.**

Иккинчидан. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўзланган мақсадга қандай эришиши мумкин? Темирни қизиғида бос, дейдилар. Жанжал кўтарилишини кутмасдан, ҳали ўт чиқмасдан ҳаракат қилиш зарур. Жанжал кўтарилса, инсон қони тўкилса, чақалоқлар ўлдирилса, аёллар, оналар хўрланса, ўзаро меҳр-оқибат йўқолиб, одамларни яраштириш қийин бўлади. Ноҳақ тўкилган қон айниқса Шарқда, мусулмон давлатларида ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бизларни қизиққон дейишлари бежиз эмас. Иззат-нафсониятимизга жиндак тегиб қўйилса, эртага биз ёниб кетсак, бу алангани ўчириш маҳол бўлади. Бизнинг табиатимиз шундай. Европада, иқлими совуқ жойлардаги совуқмижоз одамлар буни тушунмайдилар. Ҳазил бўлиб туюлса ҳам аслида бор ҳақиқат шу.

Учинчи масала. Минтақада юзага келган экологик вазият, Орол фожиаси... Қани, имкон бўлса, шу катта минбардан дунё ҳамжамиятига мурожаат қилишдан асло чарчамасдим: эй одамлар, эй халойиқ, эй жаҳон! Кучли давлатлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари! Бугун биз — ўзбеклар, қорақалпоқлар, туркманлар, қозоқлар — шу минтақада яшаётган қирқ миллион халқ бошидан кечираётган азоб-уқубатлардан огоҳ бўлинглар. Экологик офат зурриётимизга ҳам таъсир этиб, болаларимиз майиб-мажруҳ туғилаётганини сизлар билишларингиз керак. Бугун биргалашиб олдини олмасак, эртага кеч бўлади — бу офат сизларнинг ҳам шўрингизни қуритиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кучли давлатлар, халқаро ташкилотлардан сармоя ундириб, Орол фожиасини бартараф этишга бош-қош бўлиши, биз билан бақамти ҳаракат қилиши керак.

Бу ерда яна бир масала бор. Мен бу гапларни уёқда айтганим йўқ. Беш минутда нимани ҳам айтиш мумкин. Қолаверса, андиша қилдим. Уйингдаги гапни кўчага олиб чиқиш яхши эмас. Мен нима демоқчиман?

Аввало, шу минтақада яшаётган, Орол офатидан бевосита жабрланаётган бешта давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон халқлари ва раҳбарлари аҳил бўлишларини истардим. Марказий Осиёда Хавфсизлик ва барқарорликка бағишланган семинар кенгаш кунлари бешта республика раҳбари Орол бўйича бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишини мен ниҳоятда хоҳлаган эдим. Чунки шу ҳамфикрлик бўлмаса, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакиллари олдида ким деган одам бўламиз! У ерда Америка Қўшма Штатлари вакиллари ўтирибди, Германия ва бошқа йирик давлатлар вакиллари ўтиришибди. Афсуски, дўстларимиздан бири бу йиғинда иштирок этишни ўзига лозим кўрмади. Орол фожиаси нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг фожиаси эканлигини наҳотки бу дўстимиз тушунмаса?!

Танаси бошқа дард билмас, деган гап бор. Орол офатининг нималигини шу минтақада яшаётганлар, аввало, қорақалпоқлар яхши билишади. Биз меҳмондўст халқмиз. Ким бўлишидан қатъий назар, меҳмонни бошимизга кўтарамиз. Лекин улар ҳам бизни тушунишсин-да. Энди шунчаки Оролни томоша қилиб кетиш, ҳамдардлик билдириш, тавсиялар бериш билан иш битмайди. Энди гап бошқача бўлиши керак. Нияти холис одам бу ерга келганда албатта ўзи билан нимадир олиб келсин, ўзидан нимадир қолдирсин. Оролга оғизда эмас амалда ёрдам берган кишигина инсоний бурчимни бажардим, дея олиши мумкин.

Афғонистонда ўн етти йилдан буён уруш кетяпти. Бундай давомли уруш тарихнинг қайси замонида бўлган — билмадим. Тожикистонда мухолиф кучлар ҳалигача келиша олмаяптилар. Тожикистон халқи, шу жумладан Тожикистонда яшаётган бир ярим миллион ўзбек аҳолиси хавф остида яшаётгани ҳеч кимни лоқайд қолдирмаслиги керак. Бу ўта муҳим масала.

Боя Босния-Герцоговинани эсладик. Биз тўғри тушунамиз, Европанинг қоқ ўртасида турган давлатда уруш чиқиши хавфли. Лекин Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Боснияга ажратаётган маблағининг мингдан бир қисмини Афғонистонга, Тожикистонга берса, олам гулистон бўларди. Атрофимиздаги давлат раҳбарлари, сиёсий арбоблар тинчлик тўғрисида чиройлик сўзларни жуда кўп гапиришади. Гўё ҳаммалари тинчлик учун курашаётгандай. Амалий ишга келсак... Аравани қуруқ олиб қочмай, аниқ иш билан шуғулланиш пайти етди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб, мен бир фикрни айтдимки, Ўзбекистон, Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатилишини хоҳлайдилар. Тинчлик бўлса, автомобиль йўллари, темирйўллар қуриб, биз бу мамлакат орқали Ҳинд океанига чиқишимиз мумкин. Мен шу гапни яна такрорламоқчиман: Ҳинд океанига чиқиш Ўзбекистон учун муаммолар муаммосидир! Бир фараз қилинг-а: тўрт томонимизга йўл очилди. Темирйўл билан Шимолга чиқдик, Ғарбга чиқдик, Жанубга ҳам чиқдик. Юкларимизни Ҳинд портларидан денгиз, океанлар орқали хоҳлаган томонга ташиб ўзимизга керакли нарсаларни Ўзбекистонга олиб келдик... Уёғи Япония... Индонезия... Малайзия... Буёқда мусулмон давлатлари, Арабистон дегандай... Орзуга айб йўқ. Худога шукрки, кўп мақсадларимизга эришяпмиз. Агар шу мақсадимизга ҳам эришсак, билмадим... шахсан менинг ҳеч армоним қолмасди. Нега деганда, бу йўл нафақат иқтисодий, сиёсий, керак бўлса маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлиши турган гап. Бир эслаб кўринг: буюк аждодимиз — саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур шу йўллардан ўтмаганми? Ҳиротда яна бир улуғ бобомиз — ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг хоки мубораклари бор. Ўша мақбарани бир бора кўзга суртиб тавоф этиш ҳар бир ўзбекнинг армони эмасми?!

Шунинг учун мен БМТ минбаридан айтдимки, бизнинг ниятимиз холис. Афғонистондаги уруш қачон тугаркин деб, илҳақ кутиб турибмиз. Шароит туғилса, биз йўл қурилишини бошлаб юборишга тайёрмиз. Ушбу лойиҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган банклар ҳозир жуда кўп. Халқаро банклар миллиард-миллиард пул беришга тайёр. Фақат битта нарса — тинчлик керак. Тамом, бошқа нарса керак эмас.

Бугун бир-бирини ўлдириш, отиш билан тирикчилик қилаётган миллион-миллион афғонлар эртага йўл қурилишига ўтади. Ризқини тинч меҳнатдан топиб, бола-чақасини тарбиялайди. Кимки шу лойиҳани қўллаб-қувватласа, Афғонистоннинг тинчлиги учун курашган бўлади! Кимки қарши чиқса, у одамнинг ўзиям, сўзиям қалбаки, риёкордир! Уларга уруш нима учун керак? Марказий Осиё давлатларини доимо хавф остида сақлаб туриш учун керак.

Ёнимизда уруш олови ёниб турса, биз тинч юришимиз мумкинми? Бор-йўғи саккиз юз километр масофа! Термиздан уёғи ёниб турибди. Бу урушни халқаро кучлар ёрдами билан тезроқ тўхтатиш кераклигини катта-катта минбарлардан кўп гапирганман.Россия давлат раҳбарлари билан учрашганда ҳам қайта-қайта такрорлайман: Амударё қирғоғида қадим-қадимдан умргузаронлик қилган икки халқни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Термизда бўлганимда одамлардан кўп эшитганман, уларнинг айтишларича, ўша пайтлар кемалар ҳам, кўприклар ҳам бўлмаган, лекин, одамлар бемалол у қирғоқдан бу қирғоққа ўтиб туришган, тўйлар қилишган, қиз бериб, қиз олишган. Ҳужжат текширишлар, автомат ўқталишлар қаерда дейсиз. Қўриқчилар нари борса, ҳа, келин олиб келяпсизларми, бўпти, ўтаверинглар, қўшгани билан қўша қаришсин, дейишар экан. Кейин СССР деган давлат пайдо бўлди, ҳаммаёқ симтиканлар билан ўралди. Боя айтганимиздек, Афғонистонда уруш кетаётганига 17 йил бўляпти. Бу орада бутунлай янги авлод ўсиб етишди. Эътибор беринг-а, ўн етти йил давомида чақалоқ қурол кўтарадиган ўсмирга айланади. Ҳамма даҳшат мана шунда.

Хўш, Афғонистонда уруш нега ҳамон давом этяпти? Нима учун Тожикистонда ҳозирга қадар тинчликка эришилгани йўқ? Урушнинг тўхташидан манфаатдор бўлмаган кучлар Афғонистонга қурол келтиряпти. Шимолдан ҳам, жанубдан ҳам, ғарб томондан ҳам Афғонистонга қурол келаяпти. Миллион-миллион афғоннинг ёстиғи қуриди. Афғонистонда уч ярим миллион ўзбек яшайди, тожиклар, туркманлар яшайди. Улар ҳам қириляпти. Бу хунрезликларнинг ташкилотчилари бўлган йирик давлатлар, давлат арбоблари бор. Уларнинг муддаоси нима? Афғонистонда тинчлик бўлмаса, Ўзбекистонда ҳам тинчлик бўлмайди. Афғонистонда уруш давом этаверса, Ўрта Осиё давлатлари ҳамиша хавф остида тураверади.

Хўш, тинчлик ўрнатилди ҳам дейлик. Эртага Афғонистон кимнинг измида бўлади, кимга бўйсунади? Афғонистонга кўз тикканларга ана шу савол ҳам тинчлик бермайди. Нима кўп, Афғонистонда қабила кўп. Бир қабила биронта давлатга бориб пул, қурол сўрайди. Қурол, ёрдамни аямайдилар: марҳамат, олинг. Энди ўша давлатдан иккинчи қабила ҳам қурол, пул сўрайди: марҳамат, унгаям беришади. Кўрдингизми, Афғонистоннинг бугунги аҳволи қандай. Жаҳоннинг катта сиёсати гирдобига тушиб қолган бечора бир давлат бўлди бу Афғонистон! Бечора халқ бўлди бу афғон халқи!

Шунинг учун жаҳон ҳамжамияти эътиборини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар эътиборини бу масалага жалб қилиш бизнинг бурчимиз эди. Яна бир бор айтаман: Афғонистонда тинчлик ўрнатилмаса, Ўзбекистонда, мана шу Тошкентда биз хотиржам яшай олмаймиз. Бу — аниқ. Чунки, гиёҳванд моддалар ҳам Ўрта Осиё ҳудудига асосан Афғонистон орқали кириб келмоқда. Бу хавф эртага халқимиз бошига, фарзандларимиз бошига битган бало бўлиши мумкин.

Бизнинг ҳудудимиздан ўтадиган гиёҳванд моддалар эртага Европада пайдо бўлади. Шунинг учун катта минбарлардан айтишга тўғри келяпти: ў, азиз биродарлар, гиёҳванд моддаларнинг асосий харидорлари сизларда, Европада, дейлик, Петербургда ўтирибди. Сизларда пул кўп. Эҳтиёж бўлмаса бу заҳри қотил шунча йўл босиб Европага келмасди. Сизларда эҳтиёж бор экан, бу ёқда наша экилаверади. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрсаларинг ёмон бўлмас эди. СССР парчалангандан кейин ҳар қайси давлат тараққиёт йўлини ўзи белгилади. Демократик йўл танлади. Биронта давлат четдан ёрдам олмасдан, эркин демократик давлат қурмаган, бозор иқтисодига ўтмаган.

Мақсад демократик давлат қуриш, одамлар тафаккурини ўзгартириш, бозор иқтисодига ўтиш экан, бу ишни биз сизнинг ёрдамингизсиз амалга ошира олмаймиз. Демократик давлат қуриш, одамлар тафаккурини ўзгартириш, бозор иқтисодиётига ўтишимиз учун ёрдам керак.

Биз истиқбол тўғрисида, тараққиёт тўғрисида гапирганимизда, ёрдам беринглар деганимизда, Ўзбекистонда янги завод-фабрикалар қуриш, одамларни иш билан таъминлаш, яъники уларнинг турмуш даражасини кўтаришни кўзда тутамиз.

Лекин йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун сармоя керак. Ўзбекистонга олиб келинадиган лойиҳалар сизу бизга манфаатли бўлса, марҳамат, олиб келинглар, деб айтдим. Аммо мен бирор жойдан бир доллар ҳам сўраган эмасман, сўрамайман ҳам. Ўзбекистоннинг ўз кучи етарли. Қурби етарли. Минг қатла шукрки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси инсон — кеча туғилган гўдакдан тортиб қарияларгача, ҳамма-ҳамма бошини баланд кўтариб, қаддини ғоз тутиб, ғурур билан айтиши мумкин: бизлар ҳеч қачон тиланчи бўлган эмасмиз, иншооллоҳ, бўлмаймиз ҳам! Худонинг бизга бергани бор.

МУХБИР: — Одатда, биз кенг жамоатчилик дунёдаги сиёсий воқеаларнинг расмий жиҳатидангина хабардор бўламиз-у, уларнинг замиридаги маъно-мазмунни кўп ҳолларда англаб етавермаймиз. Мана шу мураккаб, чигал воқеаларни Сиз жуда теран ва содда таҳлил қилиб бердингиз...

ПРЕЗИДЕНТ: — Одамларимиз, олис-олисларда ўтирган қарияларимиз нима учун шундай сиёсат юритаётганимизни тушуниб етиши учун мен бу гапларни содда, оддий тил билан айтяпман. Бу сиёсатдан кутилган мақсад нима? Президентимиз нима учун шу узоқ жойларга бориб келди? Бизлар ҳам унинг бир учини билайлик, деб туришибди улар. Мен тушунаман: одам тирик экан, ҳаракатда экан, унда қизиқиш бўлади. Шахсан мен учун ана шундай одамлар азиз. Шундай одамлар тушуниб олиши учун мен содда тил билан гапиряпман: бизлар ҳеч қачон тиланчи бўлган эмасмиз, бўлмаймиз ҳам!

Яна бир нарса шуки, бизлар нафақат Европа, балки жаҳон ҳамжамиятига тезроқ киришимиз керак. Агар биз ўз ёғимизга ўзимиз қоврилиб ётсак, ўз минтақамизда ўралашиб қолсак, билингки, бу биз учун катта зарар. Кимки шундай фикр-хаёл билан юрган бўлса, демак унинг фаҳми калта, тушунчаси паст. Тирикчилик, умуман бу дунё олди-бердига қурилган. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Шундай экан, бизларнинг муносабатимиз самимий бўлиши керак, чегараларимиз очиқ бўлиши керак. Биз ота-оналаримизга, ҳатто саксондан сакраган қарияларимизга дунёнинг кенглигини кўрсатишимиз керак. Бу — бизнинг фарзандлик бурчимиз. Қурби етарли, бели бақувват одамлар, албатта, ўз йўлини топади. Хоҳлаган жойига боради, боряпти ҳам. Ҳозир имконият катта.

Шу гапларни айтяпман-у, кўз олдимда саксон иккига кириб оламдан ўтган онам гавдаланиб турибди. У Самарқанддан бошқа бирорта шаҳарни кўрган эмас, ҳатто Тошкентни ҳам. Раҳматли онам сингари ўзининг қишлоғидан бир қадам нарига чиқмаган миллионлаб аёлларимиз бор. Бир ўйлаб кўринглар, Европа аёлларидан ёки эркакларидан нимамиз кам? Қайси жиҳатдан ожизмиз? Хизмат юзасидан кўп жойларни бориб кўряпман. Ҳозир ҳам кеча кўрганларим таассуроти остидаман. Халқимизнинг уларга нисбатан анча маданиятли экани сезилди. Шу боис чегарани очишимиз керак, токи биз бошқа юртларга эмин-эркин бориб-келайлик, бошқалар эса бизникига бемалол келиб-кетсин.

МУХБИР: — Нутқингизда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш масаласига ҳам тўхтаб ўтдингиз. Бу борада Сиз қайси масалаларни долзарб деб ҳисоблайсиз?

ПРЕЗИДЕНТ: — Мен бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Буни Америкада ҳам айтган эдим. Бу — Россияда пайдо бўлаётган ҳар хил кучлар, ҳаракат ва намойишлардир. Айрим кимсалар Россияни собиқ СССР чегарасида тикламоққа уринишяпти. Соддароқ қилиб айтганда, бу парчаланиб кетган СССРни тиклаш дегани. Олди-кетини ўйламайдиган бу ҳовлиқмалар (улар жуда кўп!) эски коммунистлар, эски ўй-фикрда юрган одамлардир. Улар бир вақтлар партноменклатурага кириб, тўғрироғи, партия тепасига чиқиб олиб айшини суриб юришарди. Ҳар куни Москвага чопиб бориб, қўли кўксида, энди нимани буюрасиз, тақсирим, деб сўрашарди. Улар ҳозир ҳам ўша кунларни қўмсаб, соғиниб юришибди. Уларни биламан, лекин уларнинг даври ўтди, энди қўлларидан ҳеч нарса келмайди. Нега деганда, халқимиз қайси йўл ёруғ, қайси йўл тўғри ва қаерга олиб боришини тушуниб олди. Четда пайдо бўлаётган ана шу хавф тўғрисида бир-икки оғиз гапирмоқчиман.

Ҳовлиқма кимсаларнинг фикри-зикри СССРни тиклаш, бизни унинг таркибига киритиш. Сабаби, собиқ СССР чегарасини Россия чегарачилари қўриқлаётган эмиш. Бизнинг баъзи бир қўшниларимиз бу билан фахрланишмоқда, келажагини ҳам уларга тикмоқда. Аммо катта минбарлардан туриб, бизлар мустақилмиз, дейишади. Чегарани бошқа давлат ҳарбий кучлари билан қўриқлаш, бу мустақиллик далолати эмас, такрор айтаман, мустақиллик далолати эмас. Бу — заифлик далолати.

Ҳозир шундай сиёсат бўляптики, Россия мана шу маконидаги давлатлар, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо давлатлар чегарасини ҳимоя қилишга, қўриқлашга ёрдам берар эмиш. Хўш, давлатимиз мустақил бўлса, ўз мустақиллигимизни бутун дунёга эълон этган бўлсак, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, истиқболимизни, иқболимизни ўз хоҳишимизча қураётган бўлсак, нима учун бизларнинг чегарамизни бошқалар қўриқлаши керак? Наҳотки чегарани қўриқлайдиган куч ўзига ҳеч нарса талаб этмаса?! Бу дунёда ҳеч нарса бетаъма бўлмайди. Сенинг чегарангни текинга қўриқлаб берадиган аҳмоқ бор эканми! Ким бунга ишонади? Бу ерда коса тагида нимкоса борлиги кўрга ҳам аён.

Чегарамизда бегоналар тургандан кейин дўстларимиз келсин, бизлар ҳам борайлик, борди-келди қилайлик, очиқ жамият бўлайлик, деган ниятларимиз саробга айланади. Чунки бизларни қўриқлайдиган чегарачи, авваламбор ўзини қўриқлайди. Ундан кейин айтганим айтган, деганим деган деб туриб олади. Йўлимизни шартта тўсиб олиб, бизларнинг, дейлик, дунё ҳамжамиятига қўшилувимизга ўз кўзи билан қарайди. Маъқул тушса — қўяди, маъқул тушмаса — қўймайди. Бу аниқ гап! Бизлар буни яхши тушуниб олишимиз, тўғри баҳо беришимиз ва олдини олишимиз керак!

Балки баъзи давлатларнинг ўз чегарасини қўриқлашга қурби келмас. Унда очиқдан-очиқ тан олсин, мен заифман деб. Мен мустақилман, ислоҳотни ундоқ олиб боряпман, бундоқ олиб боряпман, одамларимиз яқинда жаннати мамлакатда яшайди, деб мақтанмасин. Майли, бу давлатлар раҳбарларининг номини айтмай қўяқолай. Аммо улар қуруқ мақтаниш ўрнига, ўзларига ўзлари менинг чегарамни бошқалар келиб қўриқласа, қанақасига мен мустақил бўламан, деб савол берса ўринли бўларди. Ўзини қадрлайдиган халқ ҳеч қачон тақдирини бировга боғлаб қўймайди. Бу бор гап.

Яна бир қўшнимиз эса мен нейтрал, яъни бетараф давлат қураман, деб юрибди. Бетараф давлатнинг чегарасини бошқа биров қўриқлаб берадими? Бу қандай бетарафлик бўлади? Ҳеч бир ақлга сиғмайди. Ўзини бетараф деб танитган давлат ўз чегарасига чет мамлакатлар ҳарбий кучларини умуман қўймаслиги керак. Бу оддий ҳақиқат!

Агар биз, Туркистон халқлари, аҳил яшасак, чегарамизни биров қўриқлашига ҳожат қолмайди.

Бизларнинг аждодимиз бир, азал-абаддан қариндош, қондош, қисматдош бўлиб келганмиз. Ҳаммамизни Оллоҳнинг ўзи яратган. Унинг ўзи инъом этган беҳад куч, салоҳият, бойликка эга, соҳиб бўла туриб, нима учун четдан посбон чақиришимиз керак?! Ахир биз ҳамма вақт бир-биримизнинг ютуғимиздан қувониб, камчилигимиздан куюниб келганмиз-ку! Нима учун бизлар Худо берган ақлни яхшилик томон ишлатмаймиз, бир-биримиз билан аҳил, оға-ини бўлмаймиз?! Бугун эса замоннинг зўри билан орамизга тортилган чегарани пеш қилиб, давр синовидан ўтган аҳиллигимизга путур етказяпмиз. Чегарамизни ёт одамларга ишониб топширяпмиз. Бу, менимча, Ватан тақдирини қўш қўллаб бировнинг измига беришдан бошқа нарса эмас. Агар биз бирлашсак, биздан зўр куч топилмайди. Менинг бунга ишончим комил.

Биз уруш ҳақида кўп гапирамиз. Аслини айтганда, уруш — бир-бирини қириш, ўлдириш одамзот табиатига ёт нарса. Лекин урушишади. Бунинг сабаби нимада? Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа йирик кенгаш ва ташкилотлар бунинг олдини олиш учун йилига миллиард-миллиард пул сарфлайди. Аммо урушлар давом этаяпти. Бир кун бўлсин тўхтамаяпти. Нега? Бу офат қачон тугайди? Бунинг сабаблари кўп: очкўзлик, манфаатпарастлик, шуҳратпарастлик, амалпарастлик, жаҳолат, маданиятсизлик ва ҳоказолар. Уруш таназзул юз бераётган жойдан чиқади. Нодон одам давлат тепасига чиқиб олиб, бошқаларнинг ютуғига ҳасад қилиб, ўз нафсини бошқалар ҳисобидан қондирмоққа интилади. Ўз нафсини қондириш учун халқини қирғинбаротга бошлайди. Бу — биринчи сабаб.

Иккинчи сабаб — жаҳолату маданиятсизликда. Маданият устун бўлган жойда уруш чиқмаслиги аниқ. Илму маърифат эъзозланган мамлакатда ҳеч ким уруш ҳақида бош қотирмайди. Чунки илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаяпмиз. Биз ана шу олижаноб мақсадларни одамлар қонига сингдириш учун ҳаракат қиляпмиз. Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билингки, одамзот ёруғ кунларга эришиши муқаррар!

Ватан, Ватан муҳофазаси ҳақида гапирар эканман, айни ўрнида уни хавф остига қўядиган яна бир иллат ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу сотқинликдир. Сотқинлик — маккор дўстнинг иши. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгуликка садоқати бўлмаган, бирон нарсага ихлос қўймаган, ишонмаган одам қўрқинчлидир. Табиатида сотқинлиги бор одам раҳбарлик курсисига ўтириб қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг орасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боисдан бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз керак. Уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги керак. Агар теварак-атрофимиздаги бирор одамда шундай аломатлар сезилаётган бўлса, дарҳол тарбиямизга олиб, уларнинг юрагига эзгулик уруғини қадайлик.

МУХБИР: — Сиз Америка Қўшма Штатларида бир қанча давлат арбоблари, шу жумладан, АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан учрашдингиз. Бу учрашувлар Ўзбекистон иқтисоди ва сиёсатига қандай таъсир этади?

ПРЕЗИДЕНТ: — Биз Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Альберт Гор таклифига биноан Нью-Йоркдан Вашингтонга ташриф буюрдик. Учрашув учун қисқа фурсат ажратилган бўлса-да, биз кўп масалаларни муҳокама қилдик. Музокаралар яхши ўтди. Икки томонни ҳам мамнун этди. Уларнинг кайфиятидан сездикки, Оқ уй маъмурияти учрашувимиздан талай таассуротлар, кўп саволларга аниқ ва ишончли жавоблар олди, умуман ўзлари учун муҳим хулосалар чиқарди.

Агар Америка-Ўзбекистон алоқалари, муносабатлари тўғрисида гапирадиган бўлсам, биринчи навбатда, унинг ривожига ахборот камлиги сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Айнан ахборот камлиги, етишмаслиги орамизда баъзи бир тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Бу ерда ҳам ғаразгўй, сотқин кимсалар икки давлат орасига қутқу солмоқда. Орамизни бузиш учун турли бўҳтонлар ёғдирмоқда. Улар бегона эмас, ўзимиздан, ўз орамиздан чиққан одамлар. Улар маълумот камлигидан фойдаланиб, шу ёққа бориб, ўз она Ватани ҳақида ҳар хил бўлмағур гапларни тарқатиб, тирикчилик қилиб юришибди. Нима ҳам дердик, ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога.

Америка энг аввало жамоатчилик тафаккури юксак қадрланиши билан бошқа мамлакатлардан фарқланади. Мен жамоатчилик фикрини назарда тутяпман. Маърифатли дунёда «фуқаролар давлати» деб гапирилмайди. «Фуқаролар жамияти» дейилади. Давлат — бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият давлат ташкилотлари тизимига киради.

Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Биз бунга эришишга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Мен бу ҳақда Олий Мажлисимизнинг биринчи сессиясида гапирган эдим.

Шунинг учун ҳам бизнинг асосий мақсадимиз — бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат. Америкада бунга жуда яқин келиб қолинган. У ерда ижтимоий гуруҳларнинг манфаати билан ҳамма ҳисоблашишга мажбур.

Ишбилармонлар билан бўлган учрашувлар менда жуда катта таассурот қолдирди. Улардан бири — АҚШнинг энг йирик банкларидан ҳисобланган ва жаҳон ишбилармонлар оламида муҳим ўрин тутадиган «Чейз Манхэттен банк» атрофида бирлашган гуруҳ вакиллари билан учрашувдир. Бу банк ҳозирда «Кэмикел банк» билан бирлашишга тайёр. Ўшанда уларнинг бойлиги қарийб беш юз миллиард долларни ташкил этади. Ақлни шоширадиган рақам бу. Шундай бойликка эга бўлгандан кейин барча жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш, атрофига етакчи фирма ва компанияларни тўплай оладиган марказ ташкил этиш осонлиги ҳам аён. Бироқ, бу учрашув чоғида, мен энг аввало уларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини ҳис этдим ва бу ҳол мени жуда мамнун қилди. Бу қизиқиш шу қадар катта эдики, уларнинг барча саволларига жавоб бериб улгура олмадим. Имкони бўлганда бу учрашув узоқ давом этар эди. Мени биринчи галда қойил қолдирган нарса учрашув иштирокчиларининг очиқлиги, Ўзбекистонда бугунги кунда биз қилишимиз мумкин бўлган нарсалардан ҳам кўпроқ нарсани кўриш истаги бўлди. Назаримда, бу жуда ибратлидир.

Иккинчи учрашув — таркибига ишбилармонлар дунёси намояндалари, банкирларгина эмас, АҚШ ташқи сиёсатини ишлаб чиқишга сезиларли таъсир кўрсатадиган одамлар ҳам кирадиган «Америкен интернешнл груп» кенгаши аъзолари билан бўлди. Учрашув иштирокчилари орасида давлатни бошқарган кишилар ҳам, ҳукумат аъзоси бўлган кишилар ҳам бор эди. Очиғини айтганда, бу барча эркин гапирадиган, эркин фикр алмашадиган, мамлакатдагина эмас, унинг ташқарисидаги воқеалар ривожига ҳам таъсир кўрсата оладиган кишилар таклиф қилинадиган учрашув эди. Улар меҳмонларни тўрт томондан «нишонга олади», фикр-мулоҳазаларини бойитиш учун уларнинг «сиқиб сувини ичади».

Назаримда, бу жуда зарур ва фойдали ташкилот. Биз ҳам ўзимизда ана шундай ташкилотни тузишимиз керак. Турли нуқтаи назар ва турли манфаатга эга бўлган кишиларнинг кутилмаган хулосалари истиқбол учун муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот тилида, асл манба, деган тушунча бор. Афсуски, жаҳон, хусусан, Америка жамоатчилиги айни пайтда Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеалар тўғрисидаги ахборотни иккиламчи манба — Россия оммавий ахборот воситаларидан олишмоқда. Ваҳолонки, Россия оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарлар, кўпинча, бирёқлама ёки мутлақо бир-бирига қарама-қарши бўлади. Битта газетани ўқисангиз — бир гап, бошқасида эса — бунинг тамомила тескариси. Бундай матбуотда ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмаган ҳолда истаган уйдирмани ёзавериш мумкин.

Ўша учрашувга қайтиб, қайд этмоқчиманки, америкаликлар Ўзбекистоннинг жаҳонда тутган ўрнини, мамлакатимизда қандай жараёнлар юз бераётганини яхши англаб олишди. Мен уларга улкан меҳнат, табиий ва минерал хомашё ресурсларига эга бўлган Марказий Осиё минтақаси бугунги кунда жуда кўп мамлакатлар эътиборини тортаётганини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Бу ўринда манфаатлар тўқнашуви ҳам юз бермоқда, яъни айримлар бизни ўз таъсирига олмоқчи бўлмоқда, бошқалар эса бу таъсирни йўқотиб қўймасликка уринмоқда. Яна бошқа бировлар эса, бу ерда эгаллаб олиш мумкин бўлган бўшлиқ ҳосил бўлди, деб ўйламоқда. Бу манфаатлар тўқнашуви портлаш билан якун топиши мумкин бўлган жуда катта хавфдир. Унинг олдини олиш йўли битта: ҳар ким арқонни ўзига қараб тортмаслиги, минтақа халқларига ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имконини бериш лозим.

Альберт Гор билан учрашганимизда, мен ярим чин, ярим ҳазил оҳангда бир гапни айтдим, уни сизга ҳам айтмоқчиман: «Бизларга мактабда жўғрофияни яхши ўқитишганми ё... билмадим, Ўзбекистонда яшасак ҳам, ҳар қалай, жўғрофияларингизни сизлардан кўра яхши биламиз. Лекин, сизлар Ўзбекистоннинг қаерда жойлашганиниям билмайсизлар». Улар хафа бўлишмади. Ҳаммаси кулишиб, гапингиз тўғри, дейишди. Чунки Қозоғистон қаёқдаю, Ўзбекистон қаёқда — баъзилари шуниям билишмайди.

Очиғини айтганда, Америка маъмурияти сўнгги бир йил давомида Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат, иқтисодий ислоҳотлар, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар, бизлар қураётган жамият тўғрисида анча хабар топди. Холис маълумотлар етиб бормаган чоғлар бизни менсимагани, менсишни хоҳламагани рост. Ҳозир эса аҳвол бутунлай ўзгарган. Ҳа, кескин ўзгарган. Чунки борди-келдиларимиз, юзма-юз суҳбатларимиз тобора изчил ва мунтазам тус олмоқда. Билвосита эмас, бевосита ахборот олишмоқда. Илк таассуротлари ижобий томонга ўзгармоқда.

Мен ўз олдимга ютуқларимиз ҳақида гапирмаслик вазифасини қўйдим. Кимга керак бўлса, бу минтақада яшаётган одамларнинг ўзидан сўраб билиб олаверсин. Бу энг ишончли ахборот бўлади.

Мен ҳозирги босқичда Ўзбекистон олдида турган муаммолар, хавф-хатарлар тўғрисида сўзлаб беришни лозим топдим. Жаноб Горга бугунги кунда Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тўртта муаммо тўғрисида гапириб бердим. Биз айрим ҳолларда хавфсизликни анча жўн тушунамиз. Ваҳоланки, хавфсизликни жуда кенг миқёсда: инсон хавфсизлиги, жамият хавфсизлиги, атроф муҳит хавфсизлиги, ниҳоят, фуқаролар жамияти хавфсизлиги деб тушунишимиз лозим.

Альберт Гор ўзини қизиқтирган саволларни ён дафтарчасига қайд этиб қўйган экан. Уларнинг барчасига муфассал жавоб олди. Биз Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар, ўзгаришларни айтдик, режаларимиз билан ўртоқлашдик. Шу орада у Марказий Осиёдаги вазият, Эрон, Афғонистон ва Тожикистон муаммолари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги аҳвол, бизларнинг Россия билан алоқаларимиз билан қизиқди. Бу масалалар бўйича фикр алмашиб олдик. Жаноб Альберт Гор ҳамма-ҳаммасини қайд этди ва бугун бўлган гапларни эртагаёқ жаноб Клинтонга етказаман, деди. «Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон ва Марказий Осиёда стратегик манфаатлари бор, шу манфаатларнинг қоқ марказида Ўзбекистон турибди. Бизларнинг минтақангиздаги манфаатимизни ифодалашда Ўзбекистон тутган ўрин катта. Марказий Осиё келажаги, истиқболи, ҳозир амалга оширилаётган ишларни эътиборга олсак, биз фақат Ўзбекистонга суянамиз», деб ваъда берди.

Биз Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорликка фақат буюк давлат билан ҳамкорлик эмас, жаҳонда юз бераётган жуда кўплаб жараёнларга таъсир кўрсатадиган давлат билан ҳамкорлик, деб қараймиз. Биз АҚШнинг суверенитетимизни, ислоҳотлар соҳасида, юртимизга, халқимизга албатта фаровонлик келтирадиган улкан лойиҳаларни амалга ошириш соҳасида юз бераётган тадрижий жараёнларни қўллаб-қувватлашига айниқса, умид боғлаймиз.

Биз диёримизда тинчлик ва барқарорлик мавжуд бўлишини истаймиз. Биз Афғонистондаги уруш ва Тожикистондаги танг вазият ҳудудимизга кўчиб ўтмаслигини истаймиз. Бу ердан 500 ёки 800 километргина узоқликда уруш авжида эканини кўпчилик тасаввур қилолмайди. Одамлар ёнгинамизда минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлаётганини, шаҳарлар портлаб, бутун-бутун қишлоқлар вайрон бўлаётганини унутмаслиги керак. Диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни қадрлаш ва асраб-авайлаш зарур. Шунинг учун ҳам биз барқарорлик кафолатига эга бўлишимиз, бу ерда тинчлик ва осойишталик ҳукм суришини таъминлашимиз лозим.

Биз ҳамма нарсадан кўпроқ қадрлашимиз лозим бўлган энг муҳим нарса ана шу. Мен бунинг учун зарур бўлган барча нарсани қилишга тайёрман.

ПАХТАКОРЛАРИМИЗ ҒАЛАБА АРАФАСИДА

СИНОВ ЙИЛИ ХАЙРЛИ БЎЛДИ

БЕКОБОДЛИК ПАХТАКОРЛАР ВАТАН ХИРМОНИГА 42500 ТОННАДАН ЗИЁД «ОҚ ОЛТИН» ЕТКАЗИБ БЕРИБ ЙИЛЛИК РЕЖАНИ ОШИРИБ БАЖАРДИЛАР.

БЕКОБОДЛИКЛАР бу йил ўзларини ўнглаб олишди. Ислоҳотлар йўлидан олға дадил одим ташлай бошлашди. Давлатга пилла, ғалла сотиш режа ва мажбуриятларини вилоятда биринчи бўлиб адо этишга эришдилар. Лекин, кўпчиликни пахта режаси нима бўларкин? — деган савол қийнарди. Наҳотки бу йил ҳам...? Йўқ, ҳамма хавотирликлар ортда қолди. Бекободликлар пахта майдонида ҳам ўзларини кўрсатдилар ва бу майдонда ғолиб чиқдилар. Зафар қучдилар.

Биз Бекобод деҳқонларининг катта меҳнат ғалабаси қандай қўлга киритилгани ҳақидаги қатор саволлар билан «Зафар» Агросаноат фирмасининг раиси Хайрулла ПИРНАПАСОВга мурожаат қилдик.

— Жорий йил чиндан ҳам эсда қоларли йил бўлди, — деди агрофирма раиси. — Мен «эсда қоларли» иборасини «катта синов» маъносида тушунишни истардим. Ҳа, 1995 йил бекободлик пахтакорлар учун ҳақиқий маънода улкан синов, катта меҳнат шижоати йили бўлди. Аввалги йиллардаги муваффақиятсизликлар, қоқилишлар дала меҳнаткашларининг кайфиятини бузиб қўйгани йўқ. Аксинча, йўл қўйилган хатолардан тўғри сабоқ чиқарилди, юз шувутликдан қутулиш йўллари излаб топилди. Ориятли халқимиз иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур тушуниб етдилар, қишлоқ хўжалигини, қишлоқ ҳаётини тубдан қайта қуришни мақсад қилиб қўйган Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини оғишмай рўёбга чиқаришга астойдил бел боғладилар. Одамларда манфаатдорлик, келажакка комил ишонч, эгаменлик кайфияти қарор топди. Тадбиркорлик ва ташаббускорлик янги куч, янги кўлам билан қанот ёзди.

Эришилган ғалаба кишиларимиз онгидаги янгича маънавий ўзгариш, меҳнатга янгича муносабат ва ўз фаолиятига янгича қарашнинг меваси, деб ҳисоблайман. Бундан ўзгача ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки, қишлоқ меҳнаткашларига яратиб берилган барча қулайликлар, енгилликлар, имтиёзлар замирида деҳқон эрки ва унинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини бенуқсон кафолатлаш мақсадлари жамул-жам. Биз ана шу ғояни меҳнаткашларимиз онгига сингдиришга, уларда сафарбарлик ва ташаббускорлик ҳиссини оширишга ҳаракат қилдик ва ўз олдимизга қўйган мақсадга эришдик.

Пахтакорларимиз Ватан хирмонига 42.500 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкиб, армондан чиқдилар. Режани бажариб, эл олдида юзимиз ёруғ бўлди.

Бободеҳқонларимиз уктирганидек, мўлжални бошдан тўғри олдик. Кексаларимиз ўгитлари ва тажрибасига таяндик. Ўзимизга боғлиқ кўпгина муаммоларни узил-кесил ҳал этдик. Баъзи бир хўжалик раҳбарлари учун баҳона бўлиб келган нав танлашдаги чалкашликларга барҳам бердик. Ўз ер ва иқлим шароитимизга мос ва истиқболли пахта навларини танлаб олдик. Пахта етиштириш агротехникасига қатъий риоя этишни қоида қилиб қўйдик.

БЕКОБОДЛИКЛАР МАРРАГА ЕТДИЛАР

Баҳор деҳқонларимиз учун ниҳоятда қулай келди. Чигитни эрта ва қисқа муддатларда экиб олдик. Кўп майдонларга уруғ пушталарга экилди ва ҳамал суви берилди. Деҳқонларимиз баҳор кунларининг бор имкониятларидан самарали фойдаланиб қолишга ҳаракат қилишди. Қатор ораларига оби-тобида эрта ишлов беришга киришилди. Зарур миқдордаги ўғит бу йил ўз вақтида олинди ва ўз агротехник муддатларида далага чиқариб солинди.

Лекин, бир нарсадан жуда афсус қиламан. Айни ёз кунлари сувдан қаттиқ қийналдик. Минглаб гектар майдондаги ғўзамиз бир-икки сувдан қолиб кетди. Бунга Сирдарё ўзанида сувнинг камайиб кетгани, тақсимотнинг бузилгани сабаб бўлди. Аммо, шунга қарамай азамат деҳқонларимиз асосий майдонларда мўл ҳосил жамғаришга муваффақ бўлдилар.

Туманимиз хўжаликларида ҳеч қачон бу йилдагидек пахтадан эртаки ва мўл ҳосил етиштирилмаган эди. Бу ҳар йилгидан анча барвақт йиғим-теримга киришиш имкониятини яратди. Биз ана шу имкониятни ҳисобга олиб, ундан тўлиқ фойдаланиш учун аввалдан пухта тараддуд кўрдик. Мавжуд барча терим техникасини мавсумга барвақт шайлаб қўйдик. Лекин, бу йилги пахта теримида бошқача йўл тутдик. Ўтган йилдагига ўхшаб техникага умид боғлаб ўтирмадик. Қўл теримига куч бердик ва бу тадбирдан ютдик. Ҳосилнинг 85 фоиздан кўпроғи юқори навларга топширилди.

Туман аҳолисига даъват, мурожаатимиз оқибатсиз қолмади. Терим айни қизғин паллада пахта далаларимизда жамоа хўжаликларининг аъзоларию ҳашарчилар бўлиб жами 25 мингдан ортиқроқ киши меҳнат қилди. Улар меҳнатини вақтида ва муносиб рағбатлантириш учун иложи борича барча чора-тадбирларни амалга оширдик. Теримчиларга унумли меҳнат қилишлари ва дам олишлари учун қулай маданий-маиший шарт-шароитлар яратиб бердик. Бу борадаги ташкилий ишлар ва назорат ўз самарасини берди. Теримда юқори суръат ва унум таъминланди. Ҳар йили карвоннинг энг охирида судралиб юрадиган туманимиз бу йил доим пешқадамлар сафида бўлди.

Теримга пухта ҳозирлик кўрган ва уни эрта бошлаган Навоий номли,»Хос», «Навбаҳор», «Бекобод», «Деҳқонобод», «Ғалаба», «Ўзбекистон» ва туманда энг кўп пахта берадиган Улуғбек номли (5580 тонна) ва «Далварзин» (4250 тонна) жамоа хўжаликларининг пахтакорлари кунлик ўсишда юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар ғалаба манзилига барвақт етиб келиб, туманимиз пахтакорлари зафарига катта ҳисса қўшдилар. Шу ўринда мен ўз меҳнатлари билан ғалаба кунини яқинлаштирган, мусобақа шартларига кўра мавсумда муттасил рағбат олиб турган илғор участкалар, бўлимлар, бригадалар ва теримчилар ҳақида миннатдор бўлиб гапирсам арзийди.

Юксак «оқ олтин» хирмонини тиклашимизда пахтакорларимиз билан ёнма-ён тер тўкиб ишлаб, жуда катта амалий ёрдам кўрсатган ҳашарчилар — Бекобод шаҳри, Паркент тумани меҳнаткашлари, туманимиз корхоналари ва ташкилотларининг барча вакиллари, мактабларнинг ўқувчилари ва билим юртларининг талабаларига алоҳида раҳмат айтамиз.

Бу йилги пахтамиз салмоғи ўзгача. Ҳозиргача топширилган пахтанинг пул даромади тахминан 360 миллион сўмни ташкил этади. Чунончи, давлат буюртмасидан ортиқ топширилган пахтани эркин сотиш эвазига қўшимча яна 300 миллион сўм фойда олиш кутилмоқда. Бу ўз навбатида хўжаликлар молиявий аҳволини барқарорлаштириш, меҳнаткашлар пул даромадларини ошириш, иқтисодий-ижтимоий масалаларни муваффақиятли ҳал этиш, қолаверса, туман, вилоят ва давлатимиз қудратини мустаҳкамлашда муҳим омилдир.

Режа уддаланган бўлсада, пахта далаларимизда терим қизғин давом этмоқда. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб яна 1000 тонна пахта териб топширишга қарор қилдик.

Умуман бу йил деҳқонларимизга омад кулиб боқди. Мавсумда давлат хазинасига 145 ўрнига 165 тонна пилла, 25000 тоннадан ортиқ дон топширилди. Шоли ўрими қизғин бормоқда.

Келгуси йил ҳосилига ҳам пухта замин тайёрланмоқда. 1996 йилда 14.920 гектар майдонда бошоқли дон етиштириб, умумий ҳосилни 40.000 тоннадан ошириш ниятидамиз. Шу мақсадда ҳозирдаёқ суғориладиган барча ерларга ғалла экиб бўлдик. Жумладан, келгуси йилларда уруғни ўзимизда тайёрлаш учун 800 гектар ерга буғдойнинг юқори ҳосилли «Санзар — 111» навини экиб қўйдик.

Туманда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли бориши чораларини кўряпмиз. Барча фермалар хусусийлаштирилди. Фермер хўжаликларига 1700 гектар ер ажратиб берилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик ва ўрта корхоналар сони ортмоқда. 40 та ноишлаб чиқариш объектлари жисмоний шахсларга хусусийлаштириб берилди. 55 гектар мевазор боғ ўз ҳақиқий эгасини топди. Кимошди савдоси орқали 6 та ферма 65 миллион сўмга сотилди. Барча пахта пунктлари тегишли хўжаликлар ихтиёрига берилди.

Олдимизда рўёбга чиқарилиши лозим бўлган кўпдан-кўп долзарб вазифалар турибди. Ана шулардан бири ва энг муҳими жорий йилни халқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида ютуқлар билан якунлашдан иборатдир. Бекободликлар бугун ана шу ўй, ана шу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.



• ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги «Политотдел» жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил катта ютуқларга эришдилар. Хўжалик деҳқонларининг бу йилги мавсумда уйган хирмонида марказий участканинг 6-бригадаси миришкорларининг катта ҳиссаси бор. Бу юқори ҳосилли бригада аъзолари 52,5 гектар пахта майдонидан баракали хирмон кўтариб, гектар бошига 27 центнердан ошириб ҳосил олдилар. Суратда: бригада бошлиғи Эркин Умаралиев ва илғор механизатор Ихтиёр Номозбоевлар пахта даласида.

ДАЛАЛАРДА ҚЎШИҚ АЙТИБ...

ҲАР ҚАЧОНГИДЕК пахта билан боғлиқ бу йилги ишлар ҳам юксак уюшқоқликда ўтмоқда. Меҳнатга яроқли аҳоли борки, далада. Вилоятимизнинг сабзавоткор туманлари ва шаҳарларидан борган ҳашарчилар улар билан ёнма-ён. Ҳусусан, Тошкент, Зангиота, Паркент, Қибрай туманлари меҳнаткашлари ўз ўринларини пахтазорда деб билдилар. Улар Бўка, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Юқоричирчиқ туманларида деҳқонларга мададкор бўлмоқдалар.

«Оқ олтин» мавсуми кўпчилик қатори вилоят маданият муассасалари ходимлари учун ҳам масъулиятли ҳисобланади. Бу жараёнда биз пахта теришдан ташқари қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш тадбирларини ҳам амалга оширяпмиз.

Туман маданият ишлари бўлими бошлиғи Ҳабибулла Ҳамидуллаев иккита гуруҳ тузиб Чиноз туманининг бир қатор хўжаликларида концертлар уюштирди. Бадиий ҳаваскорлар тумандаги Амир Темур, Охунбобоев номли, Т. Охунова номли, С. Раҳимов номли, Эрназаров номли, «Гулзортепа», «Дўстлик» жамоа хўжаликларида янги дастур асосидаги куй-қўшиқлар билан теримчиларни хушнуд этишди.

Биз қайси бригадага бормайлик, у ерда ҳамма вақт бир мақсад йўлида баракали хирмон яратаётганининг гувоҳи бўлдик.

С. КАБИРОВ,
Зангиота «Ҳосил» ансамбли хонандаси.

МАСЪУЛИЯТ

ПЕШИНГА бориб ҳавонинг авзойи бузилди. Пастлаб ўрлаётган паға-паға булутлар кўк юзига эмас Абдусаломнинг юрагига учаётгандек юзи тундлашди. У шофёрга машинани Отақул Каримов бошлиқ бригадага буришни тайинлади. Ҳаёлига мавсум бошида бригада бошлиғи билан бўлиб ўтган суҳбат келди. Ўшанда Отақул одати бўйича чайналиб ўтирмай гапни индаллосидан бошлай қолганди:

— Бу йилча терим машиналарини бошқа бригадаларга бераверинг, у раиснинг қоши чимирилганини кўриб, ётиғи билан тушунтирди. — 76 гектар пахтамни кўрдингиз, ҳосили чакки эмас. Бемалол 26 центнерни қоплайди. 20 гектар ер ҳам машинага ажратилганини биласиз. Аммо шу 20 гектарга теримчиларни тушириб юбораман. Негаки, бригаданинг одамлари кўп. Бунинг устига хўжаликка келган ёрдамчиларнинг бир қисми менинг чекимга тушди. Шукур, теримчиларим етарли. Яна ҳар кило терилган пахтага 1 сўм 20 тийиндан нақд пул бериладиган бўлгандан кейин бригада аъзоларим шу пулдан бебаҳра қолишмасин дейманда...

— Машиналарсиз шунча пахтани эплай олармикансиз? — раис ҳар эҳтимолга қарши ўсмоқчилаб сўради.

— Эплаймиз. Жуда бўлмаса икки теримни қўлда терайлик, «падборка»да кўрак машинасидан фойдаланамиз.

— Бригада шунга жазм қилган экан, мен розиман. Аммо шарт шуки, бошқа бригадалардан орқада қолмайсизлар. Келишдикми?

...У бригадага етиб келганида теримчилар тушликка чиқишган, дала шийпони гавжум эди. Ошпаз аёлнинг қўли-қўлига тегмай шўрва сузяпти. Четдаги стол ёнида Отақул Каримов табелчининг дафтарини кўздан кечириб ўтирганди, раисни кўриб ўрнидан қўзғалди.

— Биргалашиб тушлик қилай деб келдим, — деди Абдусалом Сафоев бригада бошлиғи билан кўришар экан. — Пунктга пахта жўнатдингизми?

— Бугун иш анча унди, пешингача битта прицепни тўлдириб ҳозиргина жўнатиб юбордик. Кечгача яна бир прицеп тўлади. Уч фоиз берсак марра бизники.

Раис келаётганида пайкалларни оралаб, ҳосилни бирров кўздан кечирганди:

— Ҳаво айниб турибди, ёмғир уриб бериши ҳам эҳтимол. Шунинг учун ҳамма имкониятларни ишга солиб, теримни кучайтириш керак. Хўп десангиз битта машина юбораман, катта пайкалнинг пахтаси ҳали борга ўхшайди, шунга солдирардингиз?

Отақул Каримов «хўп» деди. Раиснинг авзойидан нимадандир ташвишланиб турганлигини сезди.

— Эшитмадингизми, об-ҳаво қандай бўларкин? — деб сўради.

— Ҳамма гап шунда-да. Ҳавонинг шашти паст келадиганга ўхшайди. Бир неча кун устма-уст ёмғир ёғади, дейишяпти. Шунга тайёргарлигингизни кўриб қўйинг, демоқчийдим. Одамларни иложи борича кўпроқ сафарбар қилинг.

Раис наридан-бери тушлик қилди-да, мен Илҳомларнинг бригадасига кетдим, деб ўрнидан қўзғалди.

Илҳом Иномов йиқилса тупроқ чангаллаб турадиган пишиқ-пухта бригада бошлиқларидан эди. 16 йил Меҳнат қаҳрамони Таласбой Ғазатовнинг қўлида механизаторлик қилди. Шунинг учун ҳам бригаданинг ҳар бир қарич ери унга ёд бўлиб кетган. Таласбой ота меҳнат нафақасига чиқаётганида «Ўрнингизга кимни қўймоқчисиз?» деб сўрашганида, у: «Кимни бўларди, Илҳомни-да, фақат шу йигитгина бригадани эплаб кетиши мумкин», деб туриб олганди. Шунга ҳам ўн йил бўлибди. Уста кўрган шогирд эмасми, орадан кўп ўтмай хўжаликда пахтачиликнинг пирларидан бири бўлиб қолди. Қўшни бригадаларнинг раҳбарлари ҳам ўрни келганида у билан маслаҳатлашиб иш юритадиган бўлишди.

Мана бугун ҳам бригадада 60 киши пахта теряпти. Нариги пайкалда эса иккита терим машинаси гуруллаб ишлаяпти. Катта йўлнинг четида турган прицеп тўла пахта, бошқа прицеп ҳам яримлаб қолибди. Илҳомнинг бир оёғи теримчилар ёнида бўлса, иккинчи оёғи машиналар пахта тераётган пайкалда. Раисни кўриб унга пешвоз чиқди. «Хорманг, бор бўлинг»лашганларидан кейин одати бўйича ишнинг қандай бораётгани тўғрисида раисни хабардор қилди:

— Ҳар бир теримчи 50-55 килограммдан пахта териб топширяпти. Сиздан илтимос, Саломат Норматова, Гулнора Зияева, Салима Ҳакимбердиева, Комила Алсаитова, Гавҳар Хатамоваларни хўжалик бошқаруви номидан рағбатлантирилаётганлар рўйхатига киритиб қўйсангиз. Чунки уларнинг ҳар бири кунига 100 килограммдан ошириб пахта теришяпти. Мавсум бошидан эса 3 тоннадан ҳосил топшириб қўйишди.

— Маъқул гап, — деди раис. — Албатта шундай қиламиз. Совринни ҳам шахсан ўзим олиб келиб топшираман. — У шундай деди-да. машиналарнинг иш унуми билан қизиқди.

— Чакки бўлмаяпти, — Илҳом Иномов мамнун жилмайиб деди.

Хирмоннинг баракасини киритаётганлар ҳам аслида мана шуларда. Маҳмуд Умаралиевнинг бир ўзи 40 тонна пахта териб қўйди. Аслида мана шу ерларга чигитни эккан, ўзи ишлов берган, ғўза баргини ўзи тўктирган эди, пахтасини ҳам ўзи териб беряпти. — Бригадир яна бир янгиликни айтди. — Кассир Турсунали Эгамқулов бугун келиб теримчилар-у, ёрдамчилар билан ҳисоблашиб кетди. Гулнора Зиёева билан Комила Алсаитова 1000-1100 сўмдан ҳақ олишибди, қолганлар ҳам хурсанд бўлишди.

Абдусалом Сафоев ўрни келганида ҳазиллашиб қўйди.

— Ўзлари-чи? Ўзларининг оилалари ҳам пулнинг тагида қолиб кетишгандир?

Бригадир кулиб юборди. У раиснинг ўз оиласи ҳақида бохабар эканлигини биларди. Негаки, бригада бошлиғининг хотини Гулнора Иномова, болалари — Тоҳир, Акбар, Умидлар ҳам шу ерда пахта теришяпти. Бир кунда 150-160 килограммдан ҳосил териб топширишмоқда. Шундай бўлгач, Гулнора ҳам қилган меҳнатига яраша ҳақ олади-да. Раис билан Илҳом кундалик ишлар ҳақида гаплашишар экан Абдусалом Сафоев унга ҳам ёғингарчилик ҳақидаги ўз ташвишларини билдирди. Терилган пахтани зудлик билан тайёрлов пунктига элтиб топширишни тайинлади.

Раис шу куни Исмоил Ғазатов, Синдор Алибоев, Тўлаган Отаевлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг ҳар бирида бўлиб, ишни шахсан кўздан кечирди, зудлик билан қилиниши лозим бўлган юмушларни тушунтирди. «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги 1030 гектар ерда пахта етиштирди. 27 центнердан ҳосил топшириб, эрта-индин режа бажарилади, деган кезларда кузнинг авзойи ўзгаргани ишнинг белига тепадиган бўлди-да. Майли, нима бўлганда ҳам теримни қизғин давом эттириб маррага албатта етамиз, кўнглидан ўтказди раис. 600 нафар теримчи далага чиқиб ишлаяпти. 600 нафар ёрдамчи ҳам улар ёнида. Булардан ташқари 14 та терим машинаси кеча-кундуз ишлатилмоқда. Белгиланган марра эса тобора яқинлашиб келяпти.

... Ёмғир туни билан эзиб ёғди. Абдусалом эрта тонгда отланиб кўчага чиқди. Йўллар эзилиб, куз нафаси сарғайтирган дов-дарахтлар, ўт-ўланлар шалаббо бўлиб кетганди. Раис идорага келди-ю, ичкарига кирмай томчилар чакиллаб томаётган дарахт тагида турганича қишлоқ йўлига тикилди. Шошиб келаётган пуфайкали кишига кўзи тушиб, катта-катта қадам ташлашидан Синдор Алибоев эканлигини таниди. У раис билан кўришар экан «Бу, ҳаво нима қиламан дейди-я?» деб ёзғирди. Кўп ўтмай раиснинг хонаси бригада бошлиқлари ва мутахассислар билан гавжумлашди. Ҳавонинг авзойи уларнинг юзига соя солгандек, ҳатто гапни-гапга улаб кетадиган хушхандон бригада бошлиқлари ҳам бугун камгап, тунд эдилар. Абдусалом уларнинг кайфиятини кўтариш мақсади-да, деди.

— Куз шунча қўйиб берди, шунисига ҳам раҳмат. Табиат энди деҳқонман деганни бир синаб, ёғин-сочинли кунлар келди, тайёргарлигингни кўриб қўй, ҳосилингни тезроқ саранжомла, деяпти-да, — сўнг у мақсадга кўчади. — Ҳали замон ҳаво очилиб кетса қишлоқдаги кексалардан бошқа барча одамларни далага олиб чиқасизлар. Эгатлар шамоллаши билан теримга тушсинлар. Иложи борича кўпроқ теришга ҳаракат қилишсин. Механик ҳайдовчилар ва механиклар эса вақтдан фойдаланиб терим машиналарини «ювиб-тараб» қўйишсин. Токи пешиндан кейин теримни бошлашга шай бўлиб турсин. Тунда ҳам шудринг тушгунича икки сменалашиб пахта теришади. Механиклар ҳам дала бошида бўлишади. Терилган ҳосилни эса бетўхтов пунктга жўнатамиз. Бундан кейин мавсум тугагунча иш шу усулда боради.

Кўп ўтмай дала йўли серқатнов бўлиб қолди. Ҳамма теримга шошиларди. Булутлар чоқчоқидан сўкилиб офтоб борлиққа заррин нурларини соча бошлади. Йўл ва пайкаллар юзидан ҳовур кўтарилди. Олтин кузнинг баракали яна бир куни бошланмоқда эди. Бу кун мўл ҳосил олиш мақсадида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган асл деҳқонлар учун янги бир синов куни бўлади.

Р.ТУРСУНОВ,
Оққўрғон тумани.

• ЧИНОЗ туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги пахтакорлари туманда биринчилардан бўлиб маррага етиб келдилар. Бу ютуққа хўжаликнинг Ҳусанбой Бўрибоев бошлиқ бригадаси деҳқонлари муносиб улуш қўшдилар. Бу бригадада 59 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарилди.

Суратларда: (чапдан ўнгга) бригада бошлиғи Ҳусанбой Бўрибоев, хўжалик раиси муовини Серикбой Оғамбоев ва илғор механизатор Ғулом Усмоналиевлар галдаги ишларни режалаштириб олмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

«ЎЗБЕКИСТОН»НИНГ КАТТА ХИРМОНИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба-фермер хўжаликлари бирлашмаси пахтакорлари ҳам зафар манзилига етиб келдилар. 2936 гектар пахта майдонидан 27,4 центнердан хирмон кўтарилиб, ҳозиргача давлат қабул пунктларига 8 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди.

Бу меҳнат ютуғига ҳамма фермер хўжаликлари ёки бўлимлар муносиб ҳисса қўшдилар. Йиллик маррани барвақт эгаллаган биринчи бўлимнинг И. Абдусаломов, С. Саидазимов, 2-бўлимнинг А. Отабоев, Т. Ҳайдаров, 3-бўлимнинг Т. Асқаров, М. Ҳакимов, И. Аҳмедов ва бошқа бўлимларнинг қатор бригадалари аъзолари меҳнатда чинакам шижоат кўрсатдилар.

Хўжаликда техника катта кучга эга. Бу йил механик-ҳайдовчилардан алоҳида фидойилик талаб қилинди. Экиш, ғўза парвариши, дорилаш ва дефолиация билан боғлиқ агротехника тадбирлари юқори савияда ўтказилди. Пахта терими мавсумига ҳам эрта ва уюшқоқлик билан ҳозирлик кўрилди. Йиғим-терим мавсумида механизаторлардан Т. Изатуллаев, Б. Қиличбоев, М. Қорабоев, А. Охунжонов, А. Умаров, Р. Абдусаматов ва бошқалар 100 тонна ва ундан анча ошириб пахта териб, хирмонга салмоқли улуш қўшдилар.

Бу йил кўпминг килограммчилик ҳаракати ҳам авж олди. Роҳатой Қаюмова, Усмон Юсупов, Тўхтахон Улуғназаровалар мавсумда 10 минг килограммдан, Озодахон Назарова ҳамда Саодат Исроиловалар етти тоннадан ошириб пахта териб бердилар.

Етиштирилган мўл ҳосилни тез ва ўз вақтида йиғиб-териб олишда ҳашарчиларнинг кўмаги, айниқса, салмоқли бўлди. Зангиота туманидан келган ўқувчи-ёшлар шу кунгача хирмонга 450 тоннага яқин, Янгийўл тиббиёт коллежи талабалари 600 тонна пахта териб бердилар. Туман ташкилотлари вакиллари ва мактаб ўқувчиларининг қўшган ҳиссаси ҳам баракали бўлди.

Хўжалик пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 700 тонна пахта сотишга қарор қилдилар.

Н. ҲИКМАТОВ.

ҲИССА— 5000 ТОННА

ҲАР ЙИЛИ йиғим-терим мавсумида вилоятдаги ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ҳам фаол қатнашиб келмоқдалар. Бу йилги мавсумда улар Бўка, Бекобод, Ўртачирчиқ, Оққўрғон туманидаги жамоа хўжаликларида пахтакорларга кўмаклашдилар. Талабаларнинг унумли ишлашлари учун вилоят халқ таълими бошқармаси ҳунар-техника таълими бўлими етарли шароит яратиб берди.

Йиғим-терим мобайнида уларга 2 минг жуфт калиш, 3 минг дона пахтали чопон, курткалар, совун, тиббий дорихоначалар тарқатилди.

Ғамхўрликка жавобан ўқувчилар самарали ишламоқдалар. Уларнинг шу кунгача терган пахтаси 5 минг тоннадан ошиб кетди. Бу хирмонга, айниқса, З. Эрматова, О. Хурсанова, М. Мусакова, К. Норматова, Б. Юсупова, Ш. Мадалиевалар муносиб ҳисса қўшдилар.

С. АБДУРАИМОВ,
Ф. МУРШАЕВ,
Г. ХОЛБОБОЕВ.

Бугун ҳамма пахтакор

БЕМИННАТ ЁРДАМ

ОЛТИН кузнинг қуёшли дамлари. Унинг ҳар бир дақиқаси ғанимат. Паркентлик 5 мингдан зиёд ҳашарчилар ҳам айни кунларда Юқоричирчиқ ва Бекобод туманлари пахтазорларида фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Паркент туманидаги 31 та мактаб, 5 та жамоа хўжалиги ва 42 та ташкилот аъзоларидан иборат ҳашарчилар қўшни юқоричирчиқликларга йиғим-теримда кўмаклашмоқдалар. Тумандаги қатор мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчиларидан тузилган гуруҳларни илғорлар сифатида тилга олиш мумкин. Айниқса, 3, 34, 21, 38, 40-мактабларнинг жамоалари баракали меҳнат қилиб, кунига киши бошига 30-50 килограммдан пахта термоқдалар. Шунингдек, Паркент тикувчилик фабрикаси, матлубот ҳиссадорлик жамияти, маданият бўлими, марказий шифохона, агросаноат банки жамоалари ҳам кундалик топшириқни ортиғи билан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

З. ЗАБИХУЛЛАЕВА.

Сиз кутган учрашув

«КУЛГУ БОЗОРИ»НИНГ ҚИЗИҚЧИСИ

Таҳририятимизнинг бугунги меҳмони қизиқчи Абдулла Акбаров, Фарғонанинг Олтиариғидан, кимё-биология ўқитувчиси. Гапни гапга таъсир этказиб, оҳанг билан реакцияга киритади, натижада томошабинлар «портлайди». Абдулла аканинг шогирдлари ҳам бор. Аҳмадали Акбаров, Абдураҳмон Сиддиқов, Ғайрат Аҳмедовлар устозга ёлчиган. Абдулла Акбаровнинг уч нафар ўғли бор. Кеннойимиз мактабда муаллима, уйда бека, хуллас, навбат Абдулла Акбаровга...

БИР йигит поездни купесида хафсала билан сақич чайнаб кетяптурса, унинг рўпарасида ўтирган одам гап бошлаб қолипти:

— Бунинг ҳаммасини менга беҳуда гапиряпсиз, барибир эшитмайман, қулоғим оғир.

— Бир чимдим болаликдан сўзланг, ҳаёт болаликдан бошланади...

— Тўғри айтдингиз, болаликда ҳам шеър ёдлаб айтардик, қўшиқ куйлардик, мактабнинг фаолларидан эдик. Табиатдан шу истеъдод берилган бўлса керак, қўшиқ айтсам ёки шеър ўқиш учун минбарга чиқсам, дарров кулгу пайдо бўларди. Бир марта саҳнада ашула айтаяпман, одамлар кулади. Қўшиқ тугагач, қарсак бўлди, кейин билсам куй маромига мослаб қўшиқ давомида оёқ ўйнатибман, денг. 9-синфда Саид Аҳмаднинг «Ҳисобчи Муҳаммад» ҳажвиясини саҳнага қўйганмиз. Шу тариқа қишлоқда илк бор «машҳур» бўлганмиз.

— Абдулла ака барибир саҳна-саҳнада. Бировни кулдириш осонмас, ўз-ўзидан қизиқчи бўлиб танилмаган бўлсангиз керак?

— Албатта, қизиқчиликка ҳақиқий «йўлланма» берадиган жой — тўй. Аввало, барча синфдошларимнинг тўйида даврабошилик қилдим. Тўйга махсус тайёргарлик билан чиқардим. «Менинг акам Сотиболди, яримтани отиб олди», — деган ҳажвий шеъримни ўқисам, халқ кулди. Шундан сўнг янги-янги нарса айтишга эҳтиёж туғилди. Фарғона муаллимлик институтида таҳсил олаётган даврда ҳам «санъатимни шакллантириб» боравердим. Тўйларда қатнашиб турдим. Бир куни Қўқонда юрсам, ўзимнинг овозимга ўхшаш овоз келяпти. Қарасам овоз ёзиш студияси олдида одам гавжум. Мен ҳам бориб тингладим. «Ким бу?», — деб сўрасам, «Абдулла деган қизиқчи, кассетага гап йўқ, ҳамма олаяпти, битта харид қилинг, аммо мазза қиласиз», дейди. Дарров битта кассета сотиб олдим. Уйга келиб, ўзимни-ўзим тингладим. «Бир харидор дўконга кириб сотувчига «бир кило қанд беринг» депти, Сотувчи «қалампир» деб ёзилган халтани очаётганмиш. Харидор норози оҳангда «Мен қанд беринг, деяпман», — деб ўшқирибди. Сотувчи «Мен қанд беряпман, бу ёзув чумолиларни чалғитиш учун», — деб жавоб берган экан».

— Абдулла ака, янги-янги нарсаларни қандай топасиз?

—Хаёлга бир нарса келиб қолади, шартта ёзиб қўяман. Шу ёзилганларнинг ёнига секин-секин қўшиб бораверaман. Кейин бу ижодни тўйда синаб кўраман. Мабодо, одамларга ёқса, ижодий дастурга тиркаб қўяман. Йўқса, шу тўйдан бошқа жойда «ўтмайдиган» маҳсулотни растага қўймаймиз.

— Бир йилда нечта тўйни «қизитасиз?»

— Чамаси 200 га яқин тўйнинг «оловини» қиздирамиз. Лекин, деҳқончилик ҳам қиламан. Ҳовлида боғ бор, узумзор. Бўш вақт бўлдими, дарров боғни парваришлайман. Ахир, ерни боқсанг, сўнг ер бизни боқади-да. Аммо, кўпчилик бизни бой, деб ўйлайди шекилли, бир куни токларни боғлаб юрсам, иккита одам ҳовлига кириб, уй томондан мени чақиряпти. Бўлмаса, мени кўришди. «Абдуллажон, ҳой Абдуллажон» деб чақиришяпти. «Ҳа, келаверинг, мен буёқдаман» десам. «Э, биз сизни Абдуллажоннинг мардикори бўлса керак деб ўйлабмиз», — дейишди.

— Тўйларда келишув қандай бўлади?

— Тўғриси, бунча берасиз деб туриб олмайман. Нима, биз ер ковладикмики ёки қўш қўшдикмики, «отнинг калласидек» сўрасак. Тўй эгаси нимани кўнглидан чиқариб берса, шу ҳалол. Рўзғорга ҳам ярайди. Розилик билан иш битса, омад юришади. Умуман пул топиш учун қизиқчи бўлиш нотўғри. Қизиқчилик — бу санъат. Агар пул билан ўлчанса, қадри тушади.

Мана бир беморнинг кўричаги оғриб шифохонага тушибди. Уни операция қилишгач, кўрсатилган хизмат учун қанча пул тўлаши ёзилган варақани бемор қўлига тутқазишибди. Шунда бемор ҳалиги варақани кўздан кечириб:

— Ё тавба, жаноб дўхтир, аллақандай олтита чок учун икки юз сўм олмоқчимисиз? Мабодо, сизга пальто тиктирсам, неча пулга тушади, деган экан.

— Қандай хислатларни хуш кўрасиз?

— Жами яхши фазилатларни қадрлайман. Ваъда бериб, устидан чиқмасликнинг, алдоқчиликнинг ҳаётимизда бўлмаслиги тарафдориман. Бировни алдаш энг ёмон хислатдир. Алдаш Алдар Кўсага чиқарилган, яъни ҳазил-ҳузул учун. Бироқ ҳаётда доимо ҳам девор ушлатиб кетавермайди, охир жиддий ишлар кўп-да. Мисол учун кимё фани ниҳоятда жиддий фан. Бир куни кимё ўқитувчиси ўқувчидан сўрабди: Шу тангани кислотага ташласам, эрийдими, йўқми?

— Йўқ, — дебди ўқувчи.

— Тўғри, эримаслигини қаёқдан билдинг, — деб ўқитувчи яна сўрабди.

— Эриса ташламас эдингизда, — деган экан ўқувчи.

— Абдулла ака, «Қизиқчи—89» кўрик-танловида иштирок этган пайтларингиз «машҳур»ликни тасаввур этганмисиз?

— Машҳур бўламанми, йўқми, бу ўзимга боғлиқ эди. Тайёрлаган дастурда камчилик бўлса ёки меёрига етказиб айтилмаса бўлмасди. Чунки, ойнаи жаҳон орқали кўрганлар биладики, атрофимизда ниҳоятда кучли истеъдодлар бор эди. Улардан ошириб, бирор нарса дейиш учун дастур ниҳоятда мукаммалликни талаб қиларди. Худога шукр, «Қизиқчи-89» елкамизга жуда катта масъулият юклади, энди Тошкентга бирор янги нарса билан келмасак бўлмайди.

Бир ўқитувчи дарс ўтаяптурса, охирги партадаги бола жойидан туриб олиб, тинглаётганмиш. Икки дақиқа ўтибди, 4, 8... бола ўтирмасмиш, домланинг роса жиғига тегибди ва охири:

— Ҳов, Эшмат, ўтир, нимага туриб олдинг? — дебди.

— Менга эшитилмаяпти, домла, — дебди ўқувчи.

— Қани, бўлмаса, сен дарс ўт, мен сенинг жойингга ўтираман, — дебди ўқитувчи.

— Домла, кеча тўйда роса арoқ ичдинглар, — деб бошлаб қопти ўқувчи. Шунда ўқитувчи даст ўрнидан туриб:

— Эшмат, кел, жойингга ўтир, ростдан ҳам эшитилмас экан, деярмиш.

Суҳбатни журналист
Тўлқин ЁРҚУЛОВ
олиб борди.

ОЛАМ ҲАФТАИЧИДА

ПРЕЗИДЕНТ... ШИФОХОНАДА ИШЛАМОҚДА

МАЪЛУМКИ, Россия Федерацияси президенти Б. Н. Ельцин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги тантаналарида қатнашиб, Нью-Йоркдан ватанига қайтиб келгач, ўзини лоҳас сеза бошлади. Унинг саломатлигини кўздан кечирган шифокорлар президентнинг аввалги касали — юрак фаолияти бироз бузилганлигини қайд қилдилар. Борис Николаевич дарҳол Москвадаги Марказий клиник касалхонасига жойлаштирилди. Лекин, барча хавфсирашлар тўғри бўлиб чиқмади. Президент эртаси кунданоқ ўзини бирмунча яхши сеза бошлаганлигини айтди. Шундай бўлса ҳам унинг олдига кирувчи кишилар учун рухсат бермай қўйилди.

Сешанба куни эрининг аҳволидан хабар олгани борган президент рафиқаси Наина Ельцина «Худога шукр, Борис Николаевичнинг аҳволи анча яхши», деб айтди. Президентнинг матбуот котиби Сергей Медведьев Кремлда Россия ахборот маҳкамалари ходимлари билан бўлган мулоқотда Б. Н. Ельцин соғлиғи ҳақида тўлиқ ахборот берди. Россия федерацияси президенти қошидаги Тиббиёт маркази раҳбари С. Миронов билан учрашувда, — деди матбуот котиби, — аҳвол тўлалигича таҳлил этилди. Шифокорлар Б. Н. Ельцин октябрь ойи охири ва ноябрь ойида касалхонада бўлгани маъқул, деган фикрни билдирмоқдалар.

Президент ҳужжатлар билан ишлай бошлади. Ўзининг яқин ёрдамчилари билан бўлажак ишлар тўғрисида ҳам фикр алмашди. Гап шундаки, РФ президенти шу ойнинг сўнгги ўн кунлигида ХХР га ташриф буюриши лозим эди. 20-21 ноябрда эса Б. Н. Ельцин Норвегияга ҳам сафар қилиши лозим эди. Кўринишдан бу сафарлар сал кейинроққа суриладиганга ўхшайди.

НАТОнинг «БОШ ОҒРИҒИ»

ЎТГАН ҳафтада НАТО маҳкамаси «арининг уяси»ни эслатди. Чунки, асли бельгиялик бўлган Вилли Класнинг ватандошлари уни НАТО Бош котиби бўлмасдан олдин Бельгия ҳукуматида иқтисодиёт вазири бўлиб турган чоғида жиноий ишларга, хусусан, Италиянинг «Аугуста» компанияси ҳамда Франциянинг «Дассо» концерни вакиллари билан жиноий тил бириктириб, қурол-яроғлар олишда айбладилар. В. Клас коррупцияда айблангандан сўнг, у истеъфога чиқадими йўқми, деган савол ҳавода муаллақ бўлиб қолган эди. Шу орада Бельгия парламенти В. Класни адолатли судлов органлари қўлига топшириш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур қарордан сўнг НАТО Бош котиби истеъфога чиқажаклиги тўғрисида баёнот берди.

Вилли Клас истеъфо тўғрисида қарор қабул қилгунга қадар ҳам умид билан яшади. У Вашингтондаги катта давлат ва ҳарбий арбоблар ёнимга тушади, деб ўйлаган эди. Умидлар сароб бўлиб чиқди. Ҳеч ким унинг томонини олмади. «Мен ўттиз йил давомида Бельгия давлатига хизмат қилдим, лекин бугун ёлғиз қолдим» — деди В. Клас афсус-надомат билан.

Хўш, эндиликда ким НАТОнинг Бош котиби бўлади? Бу юксак лавозимга ким муносиб? Одатан, НАТОда Бош котиб бир фикрга келиш яъни консенсус йўли билан тайинланади. Лекин, бундай консенсус тез орада пайдо бўлармикин? Ҳозирча, Даниянинг собиқ бош вазири У. Эллеман-Йенсен ягона расмий номзод бўлиб турибди. Шунингдек, Голландиянинг собиқ бош вазири Р. Любберс, НАТО Бош котибининг биринчи ўринбосари С. Балансино, Англиянинг собиқ ташқи ишлар вазири Д. Хэрд, Оврупо иттифоқи комиссари Х. Ван Ден Брук, Олмония мудофаа вазири М. Руэ ва ҳатто, Норвегия бош вазири Гро Харлем Брюнтланд хонимнинг ҳам номлари тилга олинмоқда.

Айни пайтларда НАТО фаолиятида «тиғиз мавсум» бошланган. НАТОга аъзо давлатлар бошлиқлари Шимолий Атлантика Иттифоқини шарқ томонга кенгайтириш, Боснияда тинчлик ўрнатиш саъи-ҳаракатлари авж олаётган кезларда Бош котибни тезроқ тайинлаш мақсадга мувофиқдир, деб ўйламоқдалар. Яқин кунларда НАТОнинг янги Бош котиби расмий равишда эълон қилинса, ажаб эмас.

КВЕБЕК АТРОФИДАГИ МАШМАШАЛАР

КВЕБЕК Канаданинг вилоятларидан бири бўлиб, у ерда асосан француз тилида сўзлашувчи фуқаролар истиқомат қиладилар. Унинг аҳолиси 7 миллион кишидан иборат. Квебекликлар мана неча йиллардирки, ўз вилоятларини мустақил қилиб олиш учун «жанг» қилиб келмоқдалар.

30 октябрда Квебек мустақиллиги юзасидан навбатдаги референдум ўтказилди. Умумхалқ сўрови арафасида Канада давлат арбоблари ва бутун жамоатчилик катта саросимага тушиб қолди. Сайловда қатнашувчилар Квебекнинг Канададан ажраб чиқиши учун овоз берсалар, нима бўлади?! Мамлакат бош вазири Жан Кретьен ўз ватандошларини мамлакатни бўлиб юбормасликка, XVIII аср ўрталарида пайдо бўлган мазкур вилоятни Канада таркибида сақлаб қолишга даъват этди.

Референдум натижалари одамларни бироз тинчлантирди. Квебекнинг Канададан ажраши учун 49,4 фоиз одам овоз берди. 50,6 фоиз аҳоли бунга қарши чиқди. Шундай қилиб, ҳозирча Квебек Канада конфедерацияси таркибида қолди. Лекин, бу-кураш тугади деган гап эмас. Сепаратчилар раҳбари Люсьен Бушар ўз тарафдорларини янги «жанг»ларга тайёрланишга чақирди. У янги референдум бўладиган кун узоқ эмас, деб умид билдирди.

АБХАЗИЯ ВА ГРУЗИЯ ЎРТАСИДА ЯРАШ БЎЛАДИМИ?

АБХАЗИЯ билан Грузия ўртасидаги жанжал ҳамон давом этмоқда. Гап, шундаки, Абхазия Грузиядан ажралиб чиқиб, мустақил бўлмоқчи. Грузия эса бунга қатъий қарши туриб, ўз давлатининг бутунлигини сақлаб қолмоқчи. Келишмовчилик ихтилофлари қуролли тўқнашувларгача бориб етди. Оқибатда, Россия аскарлари воситачилик вазифасини бажариб, грузин ва абхазларни иккига ажратиб турипти.

Абхазия ва Грузия ярашадими? Ўтган пайшанба куни музокараларни давом эттириш мақсадида Грузия ва Абхазия делегациялари Москвага келдилар. Навбатдаги учрашув қандай натижа беришини ҳозирча ҳеч ким айтиб бера олмайди.

(Оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди).

«НАВБАҲОР» ВА МҲСК ФИНАЛДА

ЎЗБЕКИСТОН кубоги учун баҳслашаётган тўрт жамоанинг яна иккитаси сафдан чиқди. Ўз майдонида Жиззахнинг «Сўғдиёна» клубини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратган Марказий ҳарбий спорт клуби финалга йўлланма олди. Жамоаларнинг Жиззахда бўлган биринчи ўйини гарчанд «Сўғдиёна» ғалабаси билан 2:1 ҳисобида тугаган бўлсада, армиячилар жавоб учрашувида рақибларини учта тўп фарқ билан енгишди.

НАМАНГАНДА маҳаллий «Навбаҳор» ва Фарғонанинг «Нефтчи» жамоалари ўртасидаги ўйин яна мухлислар диққат-эътиборида бўлди. Фарғонадагидек Наманганда ҳам ўйингоҳ томошабинлар билан лиқ тўлди. Маълумки, куни кеча Фарғонада биринчилик ўйинида ана шу икки жамоа рўбарў келган, кескин курашда фарғоналиклар 2:1 ҳисобида ғолиб келишганди. Бу сафар наманганликлар рақибларини 5:0 ҳисобида мағлуб этишди. Тўғри, фарғоналиклар сафида бир қатор етакчи ўйинчилар иштирок этишмади, жамоа устозлари ёшларни синаб кўрди. Ҳозирда фарғоналикларнинг бутун диққат-эътибори сўнгги ўйинга қаратилган. Улар яна мамлакат чемпиони деган унвонни қўлга киритиш ниятидалар. Бунинг учун Самарқандда «Динамо» билан бўладиган ўйинда ғолиб келишлари, ёхуд ҳеч бўлмаганда дуранг натижага эришишлари лозим. Агар борди-ю, «Нефтчи» ва МҲСК тенг очко тўплайдиган бўлса, устунлик иккала жамоа ўртасидаги баҳсда қўли баланд келган томонда бўлади. Бу йилги биринчилик низомига ана шундай ўзгартиш киритилганлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

БУГУН ЧЕМПИОН АНИҚЛАНАДИ

Футбол

ЮҚОРИДА айтганимиздек мамлакат чемпионатининг сўнгги ўйинлари бугун ўтказилади. Фарғоналиклар Самарқандда, «Навбаҳор» эса Чирчиқда, МҲСК Марғилонда «Атласчи» билан ўйнайди. «Янгиер» «Темирйўлчи» жамоасини, «Наврўз» «Сўғдиёна»ни, «Трактор» «Пахтакор»ни қабул қилади. Вилоятимиз вакиллари «Политотдел» мавсумни Термизда АСК билан бўладиган ўйин билан якунлайди.

ЖАМОА ВА ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«БАХТ» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ
ҚОРАМОЛ, ҚЎЙ ВА ОТЛАРНИ
пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга
КЕЛИШИЛГАН НАРХЛАРДА
СОТИБ ОЛАДИ.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, 22-кушхона («Алка» автокомбинати орқасида, бетон йўл бўйида жойлашган).
Телефон: — 98-39-63.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг Республика радиоси жамоаси «Тошкент» студияси Бош муҳаррирятининг катта муҳаррири Асад Фозиловга рафиқаси
Фазилат ФОЗИЛОВАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ҲАФТАЛИК TV ТВ TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 6

ЎзТВ I

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Мамонтчанинг онаси». Мультфильм.
17.40 **«Омилкор инсонлар».** Яккабоғ туманидаги «Мақсад» фирмаси фаолияти ҳақида.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 «Олтин куз». Кинодастур.
18.30 «Орзу билан». Хонанда Толибжон Тўраев куйлайди.
18.50 **«Сиҳат-саломатлик».** Илмий-оммабоп тележурнал.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Футбол шарҳи.
20.05 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **ЎзТВ хазинасидан. А. Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Бош ролда — Халқ артисти Наби Раҳимов.**
23.30 Эълонлар.
23.35—23.50 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 **«Таҳлил».**
19.10 «Деҳқон ҳиммати».
19.40 «Зарафшон». Телефильм.
20.00 **«Ҳуқуқ ҳимоячилари».**
20.25 «Спорт-тайм».
20.55—22.15 «Четга оғиш ноль». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар (рус тилида).
18.00 «Сополда акс этган ҳаёт». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Вавака». Телефильм.
23.30 — 23.40 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультикарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Жаҳон географияси». Оммабоп кўрсатув.
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — «О».
23.25 — 23.30 Эълонлар.

СЕШАНБА, 7

ЎзТВ I

7.00—9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 А. Дельмар. «Ғариблар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
11.05 Немис тили.
11.35 «Синфдош». Тележурнал.
12.05 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб». Табобат ва руҳият.
12.35 «Волидангни рози қил». Мусиқий композиция.
13.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Янгиер ҳиссадорлик жамиятларидаги янгиликлар.
13.35—15.35 «Умидлар йили». Видеоканал.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Бу дамлар ўхшар эртакка».
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Тараққиёт».** Публицистик кўрсатув.
18.40 Бир жуфт қўшиқ.
18.55 **Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари. «Генерал аёлнинг қисмати».** Телеочерк.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Той бола».
20.10 **«Вақт — ҳакам».**
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Туркистон — умумий уйимиз».** Туташ томирлар.
22.05 **«Хотира».** Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова.
22.45 «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.
24.00 Эълонлар.
00.05—00.20 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 «Теле-ательe-шоу».
23.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
23.40—24.00 «Видеогид».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Янгиликлар (рус тилида).
18.00 «Ҳайкалтарош Қуттимуродов». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Бу ажиб дунё».
23.45 — 23.55 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультикарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Замандас» (қозоқ тилида).
21.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.05 «Монитор—Осиё». Тележурнал.
22.45 — 23.45 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 8

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Жабрланувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадиий фильм.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.35 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова.
12.15 «Ассалом, япон тили!»
12.50 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм.
13.05 «Оламни асранг!»
13.35—14.05 «Ишбилармон».

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Кичкинтой» устахонаси.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Тилга эътибор».**
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Чанг тароналари.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
20.00 **«Санъат олами».** Умрбоқий анъаналар. 1-кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Инсон ва қонун».**
22.10 **Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Қорақалпоғистон Республикаси.**
22.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳожиакбар Ҳамидов ижро этади.
23.25 Эълонлар.
23.30—23.45 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Кичик дебют».
19.00 «Терапевтларнинг съезди».
19.30 **«Мусиқий меҳмонхона».**
20.30 «Тошкент оқшомида».
21.30—23.00 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Янгиликлар (рус тилида).
18.00 «Устоз ҳақида сўз». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Ҳалқа формуласи». Телефильм.
23.30—23.40 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультикарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
22.40 Эълонлар.
22.45 — 23.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

ПАЙШАНБА, 9

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Орзулар оғушида». Бадиий фильм.
10.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.40 «Нурафшон ўлка». Кинодастур.
11.25 «Фермер». Тележурнал.
11.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хор жамоаси концерти.
12.20 «Болалар меҳмонхонаси».
12.50 «Жараён». Публицистик кўрсатув.
13.20—15.20 «Ёшлик» видеоканали.

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **«Қўнғироқча».** Тележурнал.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Солик».**
18.30 «Наманганлик сеҳргарлар». Телефильм.
18.50 «Маърифатга чорловчи нур».
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 **«Санъат олами».** Умрбоқий анъаналар. 2-кўрсатув.
20.20 **«Юзма-юз».** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, «Халқ бирлиги» ҳаракатининг раиси, академик Тўрабек Долимов билан мулоқот.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида».**
21.55 **«Сарви гулру келмади...».** Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.
22.40 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
00.15 Эълонлар.
00.20—00.35 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 Видео янгиликлари.
18.45 «Теле-ательe-шоу».
19.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.50 «Оламнинг яратилиши». Оммабоп кўрсатув.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05—22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Янгиликлар (рус тилида).
18.00 «Умр мазмуни». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Оқ соя».
23.50—24.00 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультикарусель».
19.55 «Ҳамкорлик самаралари».
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 «Глобус».
21.45 Л. Якубовичнинг «Мўъжизалар майдони» Тошкентда.
22.30 «Кашфиётлар ва ихтиролар». Илмий-маърифий кўрсатув.
23.10 — 23.45 «Олам ва одам».

ЖУМА, 10

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
10.35 Немис тили.
11.05 «Эзгуликка интилиб». Телеочерк.
11.35 Навоий вилояти Нурота тумани Маданият уйи мақом ансамблининг концерти.
12.15 «Соғлом авлод учун». Боғчаларда жисмоний тарбия.
12.35 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
13.10 — 14.25 Болалар учун фильм. «Қизил қор ёққанда».

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 **«Кичкинтойга хат келди».** Тележурнал.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Оламга саёҳат».** Кинокўрсатув.
18.45 Мусиқий дақиқалар.
19.00 **«Табаррук қадамжолар».** Амир Темур юбилейига.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.

Ўзбек киносининг 85 йиллигига

19.50 **«Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».**

*

20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Эл тинчлиги йўлида».** Милиция ходимлари учун кўрсатув ва концерт.
22.35 «Барча постлар диққатига!». Бадиий фильм.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 **«Ахборот».**

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Йигит билан қиз». Бадиий фильм.
20.30 «Самарали изланишлар».
21.00 «Д. Зокиров». Телефильм.
21.30 — 22.00 «5+1».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Янгиликлар (рус тилида).
18.00 «Маркаколь — мўъжизакор кўл». Телефильм.

***

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30—9.00

* * *

18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Жонли сайёра».
23.50—24.00 Янгиликлар (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультикарусель».
«ОМАД» таништиради:
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Кулгига нима етсин!». Ҳажвий кўрсатув.
21.15 Эълонлар.
21.20 Видео — «О».
23.00 Эълонлар.
23.05 «Автосалон». Автомобилларнинг янги моделлари.
23.25 — 23.35 «Даракчи». Ахборот кўрсатуви.

ШАНБА, 11

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Париларнинг кузги совғаси». Бадиий фильм.
10.15 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.45 «Мерос». Хайратий.
11.45 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
12.15 «Истеъдод». Хурсанд Шеров.
12.45 — 14.45 «Маънавият» видеоканали.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 «Совға».
17.50 «Салом, ёшлар!».
18.20 **«Олам».** Маърифий кинодастур.
19.15 **«Оҳанглар оғушида».** Дам олиш кинодастури.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 **«Имкон чўққилари».** Гиннеснинг рекордлар оламида.
20.15 **«Оҳанглар оғушида».** Дам олиш кинодастури.
20.30 **«Ўзбекистон янгиликлари»** (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ахборот».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Юлдузли онлар».** Дам олиш дастури.
22.25 **«Тунги ёғду».** Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 «Теле-ательe-шоу».
13.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
14.10 «Видеогид».
14.30 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

*

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Менинг кучам».
19.25 «Янги иқтисод».
19.55 «Фазога йўл».
20.20 «Рок-сеанс».
20.50 — 22.20 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Бобур». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40—23.20

*

ЎзТВ

23.20—00.10 «Замира Давлетмуродова». Видеофильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Бизнес-мирас» (татар тилида).
10.40 «Олтин олма, дуо ол...».
11.10 «Кнопка». Болалар учун фильм.
11.40 — 12.10 «Суянч». Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари.

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультикарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.20 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.05 «Бу ажиб дунё».
21.25 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.35 «Дўстларимиз сайёраси».
22.15 «Интерпартнер».
23.00 — 23.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 12

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 **«Камалак».** Болалар учун кинодастур.
10.00 **«Ватанимга хизмат қиламан».**
11.00 «Санъат маскани». М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтининг 50 йиллигига.
11.40 «Қувноқ стартлар» — Спортландия меҳмони. Ўзбекистон — Белоруссия.
12.40 «Сурнай наволари». Сунnатилла Қорабоев.
13.10 — 15.10 **«Болалигим — пошшолигим».** Видеоканал.

***

17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Мультфильм.
17.50 **«Томоша»** ахбороти.
18.05 Спорт хабарномаси.
18.15 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
19.05 **«Ойнаи жаҳонда...»**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Панорама»** (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 **«Якшанба оқшомида».** Мусиқий дастур.
20.55 Эълонлар.
21.00 **«Ҳафтанома».**
21.20 Эълонлар.
21.25 **«Учрашув».** Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Олимжон Салимов.
22.25 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.25 **«Ҳафтанома».**

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
10.00 Видео янгиликлари.
10.15 «Теле-ательe-шоу».
10.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.20 «Оламнинг яратилиши».
11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 — 14.15 «Кинонигоҳ».

***

17.00 «Мультконцерт».
17.15 «Жаҳон географияси».
18.05 Эълонлар.
18.10 Видео — «О».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.25 «Постфактум».
20.35 Эълонлар.
20.40 Видео — «О».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Кулгига нима етсин!». Ҳажвий кўрсатув.
22.50 «Компьютер — Осиё».
23.20 — 23.30 «Даракчи».

ЎзТВ III
ЎзТВ

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Табиатга меҳр». Телефильм.

***

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20—22.55

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.55—23.20

*

ЎзТВ

23.20 «Қирғовуллар». Телефильм.
23.30—23.50 «Панорама» (рус тилида).

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кучам».
10.45 «Дарвоқе...».
11.05 Телефильм.
11.25 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
13.05 «Булоқлар кўз очганда».
13.25 — 13.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Ёшлик оқшоми».
20.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Таклифлар ва ташрифлар».
22.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.15 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
23.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
23.10 — 23.30 «Бу ажиб дунё».

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
TOŞKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0493. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 1 2 3 4 5 6